

Фаргона Водийси ижодкор зиёлилари
уюшмаси ташаббус гуруҳи

Лутфулло Маҳмуд

БОБУРНИ ТУШУНИШ БАХТИ

(Мумтоз маданиятимиз ва ҳозирги ёшлар)

2009 йил



Бобурнинг насл-насаби Чингизхон ва Темурга бориб такалади. Шунинг учун ҳам уларнинг куч-қудрати ва ҳарбий салоҳияти унга мерос бўлиб қолган. Бобур замондошлари орасида энг маданиятли ва дилбар инсонлардан бири эди.

Жавоҳарлаъл Неру

Бизнинг шоирларимиздан ўзини Хайёмга ўхшатишга тиришканлари кўп. Навоийнинг, Лутфийнинг, Умархоннинг, Фазлийнинг ва бошқаларнинг “хайёмона” рубойлари йўқ эмас, бор. Лекин буларнинг ҳеч бири рубойда Хайёмга яқинлаша олмади. Хайёмга яқинлашишга муваффақ бўлган бирдан-бир шоир Бобур Мирзодир.

Абдурауф Фитрат

Захириддин Муҳаммад Бобур илм ва фаннинг, санъатнинг, умуман ҳаётнинг ҳамма соҳалари билан яқиндан кўзикашган. Ғайрат ва тапаббус, синчковлик ва истеъдод уни ўз даврининг улуғ намоёндаларидан бирига айлантди. Бобур Мирзо тийрак ақл, қомусий билим эгаси бўлиши билан бирга, одамларни ўзига жалб қила биладиган, ташкилотчи, мард, чидамли, виждонли инсон эди. У жанг-да олдинда борар, кийин шароитларда ҳамма билан бирга бўлиб, машаққатни ҳам баҳам кўрар эди.

Исмагулла Абдуллаев

БОБУРНИ АНГЛАШ ЗАРУРАТИ

Миллий истиклол туфайли моддий ва маънавий кадриятлар ардокланиб, маданий меросга янгича муносабат шаклланди. Бу муносабат замирида миллат тарихига дахлдор бўлган улуғ аллома ва ижодкорлар меросини ўрганиш ва қайта нигоҳдан ўтказишга имконият яратилди. Бизнинг жамиятимизда Навоийни англаш китобхоннинг шахсий юмушидан давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бобурдай жаҳоний шох ва улуғ шоир меросини кадрлаш орқали биз ҳам миллий давлатчилигимиз тарихи, ҳам мумтоз адабиётимиз намуналари, ҳам қатор илмий кашфиётлар моҳиятини тушунишга интиломқдамиз. Ана шу маънавий эҳтиёжни кондириш мақсадида ижодкорлар бадний асарлар яратмоқда, улар санъаткорларимиз томонидан оммавий сахнага қўйилмоқда, рассом, ҳайкалтарош в.б. санъат ва илм аҳли борки, Бобурнинг меросига муносиб равишда бу ўлмас ижод намуналарини тушуниш йўлларини кидирмоқда.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий ва илмий меросини ўрганишда халқаро илмий экспедициянинг ҳам ўз ўрни, изланишлар йўналиши бор. Зокиржон Машрабов раҳбарлик қилаётган Халқаро Бобур фондининг бу соҳадаги ишлари мустақил юртимиз ёшлари учун намуна бўлишга арзирли бир ҳол. Бу илмий жамоа амалга оширган фаолият масаланинг ташкилий жиҳати ҳолос. Эндиги юмуш дунёнинг турли мамлакатларидан тўпланган бебаҳо хазинани тадқиқ этиб, манзурларини нашрга тайёрлаб, халқимизга етказишда. Бу билан ҳам биз мураккаб ижодий йўлни босиб ўтган даҳо шоир асарларини осонгина англаб қолмаймиз. Бобур ижодиётини тушуниш катта бахт, бироқ унинг ўзига яраша захмат, машаққатлари бор. Буни ҳар бир китобхон ўзича ҳис қилади, тушуниш йўлларини ахтаради. Ана шу маънода мумтоз маданиятимиз сарчашмаларини ҳозирги ёшларга англаштириш юзасидан мўъжазгина бир рисола тайёрланди. Рисолада сизга таниш бўлган шонр ижодининг айрим қирраларини эслатиш баробарида санъат ва адабиётнинг миллат ҳаётидаги ўрни масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Ёшларга сабоқ бўларли ҳикмат ва ижод дурдоналари келтирилган. Файласуф адиб Лутфуллоҳ Маҳмуднинг хайрли саъй-ҳаракатларини тақдирлаш билан бирга Бобурни тушуниш бахти ҳар бир китобхонга муяссар бўлсин дея ният қиламиз. Зеро улуғ шоир ёзганидек:

Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзумни,

Сўзумни ўқиб англагайсен ўзумни.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ, профессор



ДИЛДАН СУХБАТЛАШИШ ЭХТИЁЖИ

Ваҳму усраттин амоне топтук,
Янги пок, тоза жахоне топтук.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Ушбу рисолаани ёзишга қарор қилар эканман, кўнглимда икки-ланиш йўк эмасди. Бу гаплардан фойда бўлармикин деган андиша, яна бир қатор шу тарика хусуслар... Ҳамма ҳам ўз замонида яшайди ва ўша замонга хос кайфият, мавзу, оҳанг, ранг таъсири билан инсон сифатида шаклланади, ана шу муҳит, шарт-шароитдан келиб чикиб иш тутади.

Сенинг замонанг – яхшидир-ёмондир ўтди, ёки, ҳисобда аста-секин ўтиб бормоқда. Кўчани тўлдириб янги бир ҳаёт оқа бошлаган, сен айтасанки: бу ҳаёт кўпам ўз эмас. бегона, ёт жиҳатлари кўп. Аслида, сен бу ҳаётга бегонасан, оким сени аста-аста суриб четга чиқариб кўймоқда, эрта-индин бир селпийди-ю, ўзингни кирғоқда кўрасан.

Сен кадрлайдиган, ҳозирги ёшлар унутиб қўйди. ўқимаяпти, эшитмаяпти, кўрмаяпти деган нарсаларинг ўша – сенинг замонангга мансуб эди... Гоҳи-гоҳи вақт деразасини суриб, ёшлигинг ўтган дамларга қарайсан-да, хўрсинасан: наздингда, кизил мафкурадан қатъи назар энг дилбар кўшиқлар ўшанда айтилгандек, яхши фильмлар, спектакллар, китоблар ҳам ўша даврда яратилгандек туюлавереди.

Асосийси, одамлар бошқачароқ, бутунроқ, зиёжўндароқ эдилар, шундаймасми? Кўпроқ миллий кўшиқларни тинглар эдилар, жиддий, тафаккурга чорлайдиган, ўйга толдирадиган, сахна асарларини кўрар эдилар – Шекспир, Софокл, Чехов, Островский каби жаҳон драматургияси отахонлари қаламига мансуб ларзакор фожеалар, мураккаб драмалардан ташқари мумтоз адабиётимизнинг ноёб дурдоналари асосида ўйналган мусикали драмалар йиллаб сахнадан тушмас эди.

Лекин, бу бир... эллингинчи-олтмишинчи йиллар урф бўлган модада кийиниб олиб, замонавий либосларда яраклаб-жангиллаб турган ёшларга, бизнинг замондаги кийимлар чиройлироқ эди, яхшироқ эди, деганга ўхшаган – “келмаган” гап эмасми!



Ҳозир зоҳири-ботини бир ўзгача, суръати баланд, шиддати кескин, маънавий-маданий қадриятлари, бойликлари ҳам аввалгиларга ўхшамас ажаб-ажаб замонлар кириб келяпти ёки кириб келиб бўлди.

Сенинг даврингда телевидение деганлари бунчалик шохлаб-буталаб кетмаган, ҳаётни ўргимчакнинг тўридай ўраб-чирмаб ташламаган эди. Ҳар куни тўрт-бешта фильм кўриш қайда-ю, радиони қулоғини бураб, бир маҳалнинг ўзида ўн беш-йигирма каналдан кўшиқ танлаб эшитиш қайдамиш!

Ўқийдиган газета-журналларинг нечта эди? «Ўзбекистон маданияти», «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Гулистон»... «Муштум» ҳам бор, ҳа. Ҳозир Ўзбекистонда нашр этилаётган, четдан кириб келаётган вақтли нашрларнинг саноғига етиш қийин. Ёшлар бунга ҳам қаноат қилмайдилар. Интернет билан тиллашиб бутун дунёдан ахборот, маълумот оладилар.

Ҳозирги ёшлар ўз замоналарида яшамокдалар, эътибор берадиган, кўнгил қўядиган, ўқийдиган, кўрадиган, эшитадиган нарсалари ҳам ўз замоналарига хосдир. Энди, булар сенинг фикри мулоҳазаларингга қулоқ солсин-у, ўз замонидан юз ўгирсинми, ўша сен яшаган қадим даврларга мансуб асарларга, кўшиқларга кўнгил қўйсинми!

Биродар, инсон ўтқинчидир, дунё – барқарор; сен ва тенгдошларинг энди...Йиқилиб бораётган дарахтсиз. Бу айтганларинг, айтмоқчи бўлганларинг ана шу дарахтдан тўқилган япроқлар холос. Сен бу япроқларни кафтдай ерга қўйиб қаддингни кўтармоқчи бўласан, йиқила туриб ҳам ўз замонанг ҳимоясига недир айтмоқчи бўласан!

Албатта, ушбу гапларда жон бор ва буни тан олмоқ азобу-аламдир. Наҳотки, дейсан, ўзни ажам айламоқдан ўзга чора йўқ!

Бироқ, наҳотки, ёшларимиз билиб-билмай йўл қўяётган хатокамчиликларни кўриб-билиб, айтишдан фойда йўқ деб, тилимизни тишлаб юраверсак!



Кўзинг тез оқим остидаги икки гавҳардек очиқ кетаверсанг...
Ўзбекнинг ўзи ёвқур, хаттоки тили ҳам шамширдек кескир бўлгани
качон эди, нега энди бу шамшир оғиз кинидан чикмай занглаб ётибди...

Йўқ, албатта. Йўқ-йўқ.

Айтайлик, бир оилада ноқобил фарзанд пайдо бўлса-ю, ота-онасини кийнайверса, тўғри йўлга йўлласалар-«ях!» деб туриб олса – кирмаса, хато устига хато, ёмонлик устига ёмонлик килаверса, шундаям, ота-оналикни амали мушкул шартларидан бири шундаки, улар ўша фарзандларига зарда қила олмайдилар. Э, буни барибир ўнглаб бўлмайди, деб воз кеча олмайдилар.

Кечиб юборганлар, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам шу баттолни дея хайдаб солганлар, «ок қилган»лар ҳам йўқ эмас. Лекин, атрофингизга мундок разм солинг, юзта оиладан битта-иккитасида шу хол юз бергандир, бўлмаса шу ҳам йўқ.

Бошқалари эса, ноқобил фарзанд ўғри бўлсин, безори ёки бошка бўлсин-урушадилар, сўкадилар, ўзлари сиқиладилар, «юрак ўйноғи», «канд касали», «кон босими кўтарилиши» каби бало – офатларга йўликадилар, лекин кечмайдилар ундан. Қайтиб қолар, худойим инсоф бериб қолар деб умид билан ўтаверадилар. Қайтанга ўша ёмоннинг бошига оғир кун тушса химояга отланадилар. Ёки, кичкина, зиғирдеккина яхши иш қилса, кўкка кўтариб мақтайдилар.

Биз, қатга ёшдагилар ҳам миллатимизнинг ёш бўғини учун масъулмиз ва бу масъуллик айнан ота-онанинг фарзандлари маънавий-ахлоқий савияси, тақдири учун масъулияти учун қабидир. Кўрдикки, падару-волида энг ёмон ўғил-қизидан энг оғир чоғларда ҳам кечмас эканлар, ёшларимиз ахир жуда ана ўшандай ўнглаб бўлмас, қайтариб бўлмас даражада бузилиб, ёмон бўлиб кетганлари йўқ, худога шукр.

Хатолари бор, чакки кетган ўринлари бор, сабабки, ҳар замоннинг кўнгил суст кетадиган ўз ҳою-ҳаваслари, ақлни шошириб қўядиган жилвалари бўлади. Хаттоки, йўлдан оздирадиган шайтонлари ҳам йўқ эмас... Зулматнинг, қора қучларнинг ниқоблари кўп. Улар баъзан назаринг илмайдиган, парво қилишга арзимайдиган нарсаларнинг никоби остига яшириниб келади-да, тажриба-

сиз онгу-кўнгилларини аврайдди. котмаган суякларни эгиб, миниб олишга уринади.

Биз ёшларимизга мана шу борада ёрдам беришимиз, хатолари нимада эканлигини, қайси ўринларда айникса хушёр бўлишлари даркорлигини ўз вақтида кўрсатишимиз, огоҳлантиришимиз даркордир. Токи, хатоларнинг хатарли йўлларида, худо кўрсатмасин, йўқотишлар бўлмагай. Бу-биринчиси.

Иккинчиси шуки, биз мансуб авлод вакиллари ёшлигимиз ўтган даврларга хос маданий-маърифий муҳит, хусусан, адабиёт-санъатга бўлган муносабат ҳақидагина гапираётганимиз йўқ. Бизни ташвишга солаётган хусус, умуман мумтоз маданиятимиз, уларнинг жаҳондовруғли намуналарига бўлган эътиборнинг сусайиб кетганидир.

Хусусан, бадий адабиётга муносабат масаласида ташвишларимиз жуда жиддий. Уларни хатто дард, қайгу, умумиллий аҳамиятга эга муаммо даражасида деб билингиз.

Шунинг учун, ушбу рисола ни ёзиш, у баҳона сиз ёшлар билан – урушиш, таъна-маломатлар қилиш эмас, бир дилдан суҳбатлашиб, дардлашиб оляш албатта зарур эди.

Бу ерда айтиладиган гаплар ҳам йиқилаётган дарахтнинг япроқлари эмас. Бу дарахт, шукурки, ҳозирча саломат, бор. Бу гаплар, мулоҳазалар, беш-ўн баҳору кузни ортиқроқ кўрган, муайян тажрибага эга ана шу дарахтнинг биров нордонроқ, аччиқроқ меваларидир.



Бобур олижанобликда қандай хусусиятлар жам бўлса, барчасини эгаллаган. Унинг манглайига юксак фазилатлар битиб қўйилган.

· Эд. Холдев (XIX аср)

Бобурнинг рубойлари унинг шеърияти чўққисидир. Бобурдан олдинги ва кейинги шоирлар бу бобда унга ега олмаганлар. Умар Хайёмнинг рубойлари каби унинг рубойлари ҳам фалсафий фикрларга бой, шаклан мукамал эди.

Ойбек

Бобур ўзбек адабиётида лирик жанрларнинг ривожига катта хисса қўшди. Унинг лирик мероси ҳажми унча катта бўлмаса-да мавзу доираси, шаклий такомил ва бадий томондан ғоят гўзал ва мукамаллиги билан ҳам ажралиб туради.

Саидбек Ҳасан



БУЮК ИМКОНЛАР ФАСЛИ

Ёринг сенинг илоҳи «Таборақ» бўлсин!
Душманларингга тўма палорақ бўлсин!
Мулкунгда фароғат билан хонликлар қил,
Мулкунг била хонлигинг муборақ бўлсин!

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

I

Ҳозир ўқийдиган қайдларингизга бошқа нашрларда ҳам кўп маротаба дуч келгансиз, ёки бу хил гапларни турли анжуманларда эшитгансиз. Бироқ, камина суҳбатдошингиз бу гапларни азбаройи таомил, тартиб юзасидан, ёки каттик муҳаррирнинг кўнглини юмшатиш мақсади билан эмас, қайд этилгуси воқеаларнинг, шукрилиллоҳким, юз берганидан, алалхусус, Ғайбуллоҳ Салом таъбирлари билан айтганда, «Истиқлол ҳазрати олийлари»нинг бошимиз узра офтобдек чарақлаб турганларидан беҳад хушбахт эканим туфайли айтаётганимни тушунишингизни истардим.

Барча синов, машаққатлардан қатъи назар, мен шу буюк даврда яшаётганимдан бахтиёрман. Шунини таъкидлашни истардимки, ҳеч қандай синов, ҳеч қандай қийинчилик, пасту-баланд «висир-висир» гаплар мана шу бахтиёрлик туйғуси билан бизнинг орамизга совуқчилик сола билмайди, айира олмайди бизни бир-биримиздан.

Илоҳи, мусибатзада, истиқлолни шунча кутган ватанимни ҳам, самимий, соф кўнғил, покният, заҳматкаш халқимни ҳам тоабад мустақиллик саодатидан айирмасин, омин!

Истиқол сизу-биз бу ёруғ оламга келиб муносиб топилганимиз, лойиқ саналганимиз энг улуг бахтдир, муқаддас саодатдир. Унга мушарраф бўлмоқ ота-боболаримизнинг асрий орзулари эди, унга





етолмай курашиб ўтганлар қанча бўлди, азиз-азиз жонини бу орзу
йўлида қурбон қилганлар қанча!

Ҳажрингда не кон қолдики – ютмайдурман,
Кўз ёшини бир лаҳза қуритмайдурман,
Дийдорингнинг ҳақини, эй юзи куёш,
Тангри ҳақи, бир зарра унутмайдурман.

Ушбу сўзларни Бобур жаноблари истиклолга етолмай ўтган аж-
долларимиз номидан айтгандек.... Ёки, мана бу сатрларга не дейсиз?

Даврон мени ўткарди сару сомондин,
Ойирди бир йўли хонумондин,
Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,
Неларки бошимга келмади даврондин.

Шундай миллатлар бор, замон-замон кон тўкиб, жон тикиб
ўтадилар. кўзларининг оқини зулматнинг қора қурти еб тугатади.
Неча-неча авлоднинг умри саваш майдонига айланган тоғу тошлар-
да, саҳроларда кечади, азамат-азамат йигитлар шаҳид кетадилар-
бирок қани етилса истиклолга, хурликка!

Хурликсиз инсон инсон эмас, миллат миллат эмасдир.

Покиза ниятнинг жойнамозида
Оятлар ўқийди тозарган конлар,
Ҳар тонг юрагимнинг чакнок созида
Орзулар машқини чалар имконлар.

Барглар чирмандачи кўлидай «тар-тар»
Этарок сочадир куёш нурини.
Кўзингдан кўнглингга тўкилмокда зар,
Ўзбегим, шимиб ол офтоб кўрини.



Топдим неча аср излаган ганжим,
Худойим айлади юзимни ёруғ,
Беҳуда ўткизма вақтинг, мунажжим,
Менинг толеимдан порлок юлдуз йўқ.

2

Мустақиллик йиллари миллий маданиятимиз, адабиётимиз ва санъатимиз равнағи йўлида ҳам оламшумул ўзгаришлар юз берди, тарихий ишлар амалга оширилди. Ўқимасак, уқмасак мўмин-мусулмон ҳисобланишга, тўқис инсон, ўзбек саналишга ҳақимиз йўқ китоблар тақиклардан озод бўлиб нашр этилди. «Ҳолимизга ҳабиб эврулиб», Қуръони Каримни ўз тилимизда ўқиш бахтига муяссар бўлдик, муқаддас ҳадисларни кўзимизга шифодай суриб мутолаа қилар эканмиз, дийдамизнинг он сари равшан тортаётганини сезиб турдик.

Бугун атрофимизни боботогларгина ўраб, боғларимизни муаззам чинорларгина файзли қилиб турганлари йўқ. Тогдек суянчиқлармиз, чинордек қувватларимиз қайтганлар, улар билан қаддимиз тик, бағримиз бутун. Ҳатто шундай деган бўлар эдим: энг юксак тоғлар улардан пастроқ, энг гўзал боғлар қашиоқроқдир.

Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Бурхониддин Марғинович, Баҳоваддин Накшбандий, Нажмиддин Кубро ва бошқа-бошқа азизларимизнинг қутлуғ қаламларига мансуб ва ёки уларнинг ибратмакон умрлари ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар чоп этилди. Мавлоно Жалолоддин Румий, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр сингари абадиёт устодларининг, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммад Шариф Сўфизода каби катагон қурбонлари бўлмиш мунавварларимизнинг китоблари хазинамиз бағрига қайтди.

Номи шўролар даврида фақат босқинчи, каллакесар каби сифатлар билан кўшиб айтилган Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларини улуғлаш, номини у зот муносиб мақомларга кўтариш бўйича

тказилган хайрли тadbирлардан бошимиз осмонга етди. Ҳазрат Доҳибкироннинг 660 ёшга тўлишлари муносабати билан 1996 йил «Амир Темури» йили деб эълон қилинди, Тошкентда Темурийлар тарихи Давлат музейи ташкил топди. Самарқандда, Шаҳрисабзда, юйтахтда жаҳонгир бобомизнинг улуғвор хайкаллари ўрнатилди.

Парижда, халқаро «ЮНЕСКО» ташкилоти қароргоҳида «Темурийлар даврида илму-фан, маданият ва маориф тараққиёти» номи билан кўргазма бўлиб ўтди, у зотга бағишланиб қатор китоблар нашр этилди. Фильмлар суратга олинди, спектакллар ўйналди.

Дунё тан олган алломаларимизнинг хотираларига бағишлаб тўйлар қилдик, мухташам ёдгорлик мажмуалари бунёд этдик. Бузурғлар садри Мир Алишер Навоий ҳазратларининг муборак ёдларига бағишлаб шаҳри Тошкентда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазрати олийлари номлари билан Андижонда, Бобораҳим Машраби валий хурматларини эъзозлаб Наманганда боғлар яратилди. Азизларимизнинг таваллуд айёмлари ҳар йили эҳтиром ила нишонланмоқда.

Булар умумреспублика миқёсида давомли бўлиб келаётган хайр-бод амалларнинг айримлари ҳолос. Айни маҳалда, ҳар бир вилоят ўз имконидан келиб чиқиб, шу юрт фарзанди бўлган, қизил мафкура зўри билан эътибор даврасидан четлатилган зотларнинг номларини тиклаш, умри нақдинасини сарф этиб, кўзи зиёсини тўкиб эзгу ниятлар билан битган ўлмас асарларини нашрдан чиқариш йўлида саъй-ҳаракат қилдилар.

Ўзим яшаб турган Наманган вилояти мисолида гапирсам, жонқуяр ташкилотчиларнинг хизматлари ҳамда саховатли юртдошларимизнинг ёрдами билан Маҳдуми Аъзам, Мулла Бозор Охунд, Нодим Намангоний Мавлоно Лутфулло, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммад Шариф Сўфизода, каби олимларимиз, фозилларимизнинг қадамжолари зийнат топди, улар қаламига мансуб, ҳамда улар ҳақда битилган китоблар чоп этилди. Меҳнаткаш аллома Алихон Халилбековнинг кўп йиллик меҳнатлари натижаси ўларок «Наманган адабий гулшани» номли йирик тадқиқот юзага келди. Бу китобни ўқиган киши вилоятимиз фарзанди бўлган ўнлаб аҳли таъб қаламкаш хусусида



кимматли маълумотга эга бўлади. Улардан айримлари то шу пайтга довр насру назм мухлисларига маълум эмасдилар.

Балки Зокиржон Машрабов ташаббус тулпорини суриб майдон сари азимат этмаганида ҳам Андижонда Бобур номлари билан ҳалқаро экспедиция тузилиши мумкин эди. Балки бу инсон раҳбарлик қилмаганида ҳам мазкур ташкилотнинг ишлари кўркам ва муваффақиятли тарзда юриб кетса ажаб эмас эди. Бироқ, барибир Зокиржон Машрабовсиз тузилса, ушбу ташкилотнинг нуфузи шу қадар олий мақом касб этмас эди, унинг фаолияти шу янглиғ музаффар бўла олмас эди, буниси аниқ. Нимагаки, Зокиржон ака ўз шахсиятида бебаҳо фазилатларни жамлай олган ажойиб инсондир ва мана шу хислат-хусусиятлар экспедиция қўлга киритган барча ютуқларнинг етакчи омили бўлди.

Биринчидан, у олижаноб, бағрикенг, фидойи инсондир. Муомила одобини яхши эгаллаган, хушсухан, таъби мазали, киши билан тез тил топишиб кета оладиган, сабрли, иродали, бошлаган ишини охирига етказмай қўймайдиган, яхши маънодаги қайсар. Яна кўнгил масаласи: оқ кушларга манзилгоҳ экан, кундуз қуёш, тунлари моҳ кезадиган кўнгил экан Зокиржон аканинг кўнгли.

Иккинчи жиҳати, Зокиржон ака кўп йиллар мобайнида турли нуфузли идораларни бошқарган, лойиқ хизматлар кўрсатган, тажрибали, малакали, ғайратли, ишчан, хормас-толмас раҳбардир. Кўпчиликни танийдиган, қилни қирқ ёрувчи, ўткир кўзли, ўзи бошқараётган экспедиция қаршисида пайдо бўлган муаммони ҳал қилиш учун қайси ташкилотнинг эшигини қоқиб ичкарига кирса, ишни битирмай қайтмайдиган обрў-эътибор соҳиби.

Буларнинг устига Зокиржон Машрабовнинг жаҳон таниган юртошимиз – Заҳриддин Муҳаммад Бобур Мирзога улкан муҳаббати, эҳтиром-ихлосини қўшсангиз, келиб чиққан натижа ҳалқаро экспедициянинг барча муваффақиятлари сабабига баробар бўлади.

Ҳалқаро экспедициянинг хайрли ишларини айтиб адо қилиб бўлмайди. Боғи Бобурни, хайратбахш, дилоро масканни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз.



Ташкил этилган сафарлар мобайнида ватанимиз, миллатимиз, маданиятимизга, хусусан, Бобур ва у зотнинг авлодларига оид бебаҳо манбалар топилди, ўрганилди.

Аждодларимиз улуғ умид ва яхши ният қалами битган, замонлар давомида жаҳон бўйлаб сочилиб кетган мактублар, бизни кута-кута соғинчининг сочи оқарган номалар ниҳоят етиб келган эди бизларга.

Бобур Мирзонинг ўзлари айтиб турибдилар:

Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб соғингайсен ўзумни.

Топилган ашёларнинг қўли бугун Боғи Бобурда жойлашган музейдан ўрин олган. Улар ёрдамида, улардан фойдаланилган ҳолда ўнлаб илмий анжуманлар, оммабоп тадбирлар ўтказилди. Китоблар нашр этилди, фильмлар суратга олиниб намойиш килинди.

3

Мустақиллик йиллари эришган ютуқларимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак, улар билан ҳар қанча фахрлансак кам. Биз бу ўринда рисоламиз мавзуси доирасидаги ютуқларгагина тўхталдик, шунда ҳам уларнинг ҳаммасини батафсил гапиргани имконли эмасмиз.

Камина истиқлол йиллари қўлга киритилган муваффақиятлар борасидаги мўъжаз суҳбатни бежиз Зокиржон ака Машрабов ҳақидаги ҳикоя билан тугатганим йўқ. Мустақиллик бир қатор кўнгилли ўзгаришлар билан бирга ижтимоий ҳаёт саҳнасига турли жабҳаларнинг вакиллари бўлмиш лидерларни чиқарганини, уларга ўз иқтидорини рўёбга чиқариш учун имкон берганини таъкидламоқ истардим. Улар ўз соҳаларининг зукко билимдони, фидойи жонқуяри, янгилик яратувчиси ҳамда ташаббуқор, ғайратчижоатли, тажрибали ташкилотчиси сифатида соҳада олиб борил-



ган ислохотларнинг етакчиси бўлдилар. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ўз чикишларидан бирида шундай деган эди: «Масъул паллада ўз тақдирини ишончли, билимли ва ғайратли кишиларга топширмаган миллат ўз бахтига зомин, келажакдан маҳрум бўлади. Ва аксинча, келажаги буюк бўлишини истаган миллат ўз тақдирини улуғ мақсадга эга, олижаноб, қатъиятли, маърифатли инсонларга ишонч билдириб топширган ҳолда ўз муродига етади».

Бобур номли халқаро экспедиция мисолида кўрдикки, унинг муваффақиятлари кўп жиҳатдан Зокиржон Машрабовдек улуғ мақсадлар билан яшаётган, маърифатли, қатъиятли инсон туфайли қўлга киритилди.

Камина суҳбатдошингиз Сиз азиз укаларим, сингилларимни ҳам ана шундай ҳам билимдон, ҳам фидокор, ҳам нозиктаъб лидер бўлиб вояга етишишингизни истар эдим. Бунинг учун қандай хусусиятлар, фазилатлар эгаси бўлиш даркорлигига эътибор бердингиз. Ўрни келганда айтиб ўтмоғим зарур: ўз шахсиятингизда ана шу хусусиятларни ҳосил этишда ҳам бадний адабиётнинг инкор этилмас ўрни бор.

Испаниянинг Каталония минтақасида яшайдиган одамларда шундай гап бор: ҳар битта инсон гигантдир, улуғдир, ҳар битта каталониялик эса инсондир.

Сиз ўз мадания-маънавий мероси билан боши кўкка етиб фахрланишга, ифтихор этишга ҳақли буюк миллатнинг фарзандисиз. Бундай миллатлар эса бармоқ билан санагулик.



Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган, унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди.

Н.И.Веселовский

Бобур Мирзонинг соф, содда, мардона, айни вақтда ғоят фусункор ижоди ҳам унинг хоксор ва барчага баробар юрагидан яққол бир нишонадир. Айтилган, бизнинг беш аср наридаги ўтмишимизда яшаб ижод қилган шоиру адибларимиздан қайси бирининг асарларини бугун таржимасиз ёки ҳар турли “насрий баён”ларсиз тушуниш мумкин? Бу рўйхат жуда қисқа бўлиши ва унинг бошида Захриддин Муҳаммад Бобурнинг номи туриши табиийдир.

Хайриддин Султон

АДАБИЁТ – МАЪНАВИЯТНИНГ АСОСИЙ УСТУНИ

Ҳар чи дар оина жавон бинад,
Пир дар хишт пухта он бинад.

Мазмуни: Ёш киши ойнага қараб кўрган нарсани
кекса одам ғиштга қараб ундан яхшироқ кўради.

«Бобурнома»дан

I

Биз истиклол йиллари янги бир ижтимоий тузумда яшадик, ҳам тарихий илдиэларимизни, асрий кадриятларимизни – асл ўзимиз, ўзлигимизни топиш. ҳам замонавий шарт-шароитлар, талаблардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий, сиёсий-иқтисодий ислохотлар ўтказишдек ўта мураккаб, масъулияти улуғ вазифаларни бажариш билан банд бўлдик. Шунча ислохот, ўзгариш, изланиш, янгилик бўлсин-у, ёш жамият каттадир-кичикдир муаммога дуч келмасинми!

Камчиликлардан, муаммолардан ҳеч ким юз ўгирмоқчи эмас, билъақс, улар ҳақида энг баланд минбарлардан туриб сўзланмоқда. Булар биздан ўтган камчиликлар, шунинг учун уларни бартараф қилиш ҳам бизнинг зиммамиздаги бурч, вазифа. Ушбу вазифани адо этиш бизнинг қўлимиздан келадиган иш.

Кўнглингизга келган, тилингизнинг учуда турган мулоҳазалар, фикрларни пайқаб турибман.

– Бу одам улуғ ислохотлар, изланишлар мавсумини бошдан кечираётган жамият қаршисидаги йирик, жиддий муаммолар қаторига китоб ўқиш-ўқимаслик ҳақидаги учинчи, тўртинчи, балки унданда аҳамияти пастроқ масалани қўйиб, ваҳима қилмоқда. енгил шамолни бўрон қилиб кўрсатяпти, демокчи бўласиз.



Шошманг, азизим! Сабр!

Ушбу муаммо умуммиллий аҳамиятга эгадир ва бу гапда муболага йўқ.

Китобга муҳаббат, мутолаа малакаси, маданияти хусусида гап кетар экан, мавзу худди сув устига тош тушганда ҳосил бўладиган халқа сингари суръат ила кенгайиб бориши ва тез орада ҳавза сатҳини тўла қамраб олиши муқаррар. Халқанинг сув ости сари ҳаракати (мавзу илдиэларининг чуқурлиги) ҳам шундан кам эмас. Тошимиз етган еригача тўлқин-тўлқин халқалар ҳосил қилиш қудратига эга.

Биринчидан. Давлатимиз истиклол йилларида халқимизнинг маънавий кадриятларини тиклаш, тарихий ўзлигини қайтариш, фарзандларимизни маънавий баркамол киши қилиб тарбиялашни ўзининг бош вазифаларидан, устивор бурчларидан бири деб белгилаганидан хабардорсиз. Бу борада олиб борилаётган хайрли ҳаракатлар, уларнинг манзур самараларини ҳам яхши биласиз. Ри-соламиз аввалида биз ҳам бу хусусда гапириб ўтдик. Бадий адабиётга эътибор, халқимизнинг неча минг йиллик тафаккури ҳосили, аждодларимиз бўлмиш мутафаккирлар, ҳакимлар, алломаларнинг ижоди самараси – бутун бу самовот қадар улуғ, бепоён бойликни, тасаввур камрай билмас меросни ўрганиш, ўзлаштириш ана шу саъй-ҳаракатларнинг узвий кисмидир.

Нимагаки, инсоният яралганидан буён тўхтамай олиб борилган тафаккур ва юрак меҳнати, машаққатли ва саодатли изланишларнинг ҳамма самараси айнан китобларда жамланган. Бу бир маънавий-мантийкий, маърифий хулосалар, ҳикмат, ибрат, тажриба, йўл-йўрик, кўрсатма, одобу икром коидалари мужассам бўлган хазинадир.

2

Бундан бир неча йил аввал “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида самарқандлик Иноят Нейматов деган отахоннинг мактуби эълон қилинган эди: “Шу кунларда “Ўрмон” маҳалласи қўмитасида



муовин сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдаман. Ёзги таътил кунлари бошланиши билан мактаб ўқувчилари кўчада тўп-тўп бўлиб саланглаб юришганини кўраман. Қарта ўйнашади. Уларга: “Барака топгурлар, қарта ўйнагунча китоб ўкисаларинг бўлмайдими, билим доираларинг кенгаяр эди, бирорта ўқишга кирадиган бўлсангиз ҳам аскотиб коларди” десам, неварам тенги зумрашалар:

– Кўлга китоб олсак, уйку босади, - деб ҳиринглашади.

Уларни саланглаб юришларини ёки қарта ўйнашларини кўрабила туриб ота-оналари танбех беришмайди. Чунки, уларнинг ўзлари ҳам китоб ўқиш бахтидан маҳрум одамлар”.

Бундай манзараларнинг кўп маротаба гувоҳи бўлганман. Туғилиб ўсган кишлоғимга чиксам, ўзини қайга қўйишни, вақтни нима билан “ўлдириш”ни билмай юрган болаларга, бўй йигитларга дуч келаман. Ҳозир яшаётганимиз кўп каватли бинонинг олдида ҳам, маҳаллалар, гузарларда ҳам аҳвол шу: ўн икки – ўн уч, то йигирма – йигирма беш ёшгача бўлган йигитлар уч, тўрт, беш соатлаб керак-нокерак гапларни гапиришиб ўтиришаверадики, ёқангни ушлайсан. Умр бу ахир, ҳар дақиқаси куёшнинг зарраларидай бебаҳо, нимага елга созуриб ўтиришибди уни, дейсан.

Турли ўқув юртларига бориб турамиз – учрашув, “шеърхонлик”, қайсидир улуғимизнинг таваллуд кунига бағишланган кеча, деган-дек... Савол-жавоблар, суҳбатлар асносида ёшларимизнинг ҳатто энг машҳур асарларни ҳам ўқимаганлари маълум бўлади. Бу ҳақда ўз вақтида устоз Ғайбуллоҳ Салом ҳам ёзган эдилар.

Илгарирок бўлиб ўтган телекўрсатувлардан бирида адабиёт-шунос Раҳмон Кўчкор “Умри давомида қўлига китоб ушламаган ўқитувчилар борлиги” ҳақида гапирди. Жуда каттик гап. Бундай муаллимлар устозларнинг жуда оз кисмини ташкил этганда ҳам, бугун Сиз билан муҳокама қилаётган масала, муаммо жуда жиддий тус олгани маълум бўлади.

Замондошларимиз ўқишга, мутолаа қилишга ажратилган вақтларини бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетган булвар газеталари, уларда босилаётган, аксарияти олди-қочди, баднийлик-



дан минг чақирим йироқ, ҳар қандай танқиддан паст мақолалар, “хикоя”ларга сарфлайдилар. Ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиётига мансуб асарларни, умуман ҳар қандай китобни агар у андак жиддий бўлса, ўйга толдирадиган, тафаккурга чорлайдиган бўлса – ўқийдиганлар кам. Телевизорда, газеталарда улуғ ижодкорларга, уларнинг асарларига бағишлаб тайёрланган кўрсатув, мақолани кўрадиганлар, ўқийдиганлар ҳам кўп эмас. Булар хусусан ёшларимизни кизиктирмайди. Улуғларнинг таваллуд ёшлари, қутлуғ саналари муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар ниҳоятда жўн, юзаки, беўхшов, болалар ўша шоирнинг ижоди бўлмиш уч-тўрт қатор шеърни чала-чулпа ёдлашиб, тушуниб-тушунмай, ҳис этмай ўқиб беришганини жуда кўп кўрганмиз. Тамом! Тадбир ўтди, буни “районо” кўрди, энди янги комиссияга, янги байрамга тайёргарлик кўрса бўлаверади.

“Аллоҳ таолонинг ўзи гўзал ва гўзалликни хуш кўради”. Мукаддас динимиз Ислоннинг эстетик нуқтаи назари Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ана шу ҳадисларида белгилаб берилган. Парвардигорнинг ўзи гўзал, у кашф этган оламу одам гўзал, демакки, гўзалликнинг инъикоси тарзида яратилган ҳар қандай асар ана шу гўзалликка муносиб бўлиши даркор. Бўш, хом-хатала, ўткинчи, саёз, бадиий томонлари ҳаминкадар “нарсалардан болаларимизни эҳтиёт қилиш керак.

Тўғри, китобдан қайтиш фақат бизнинг мамлакатимизга хос иш эмас. “Иссикўл форуми”нинг 1997 йилги йиғилишида Евгений Евтушенко шундай деб қайғурган эди: “Бугун ўқувчиларнинг аксарият қисми реклама, клип ишқибозларидир. Майкл Жексон Шекспирдан машхурроқ. “Сикстин мадоннаси”ни зиёлиларимизнинг жуда озчилиги биледи. Лекин ёшларнинг ҳаммаси Мадоннани ўз опасидай яхши танийди. Киркоров деганларининг машхурлик рейтингига Чайковский, Толстой, Солженицин бирга бўлиб ҳам ета олмайдилар.

Яъни, бу азамат топган довруғ ва обрў қаршисида шундай улуғ инсонлар ҳам ожизлар”.

Бизда ҳам шундай, “Ҳамса”ни, “Маснавий Маънавий”ни, “Бобурнома”ни ўқиганлар жуда оз, Шекспирни, Чеховни, Дантени,



Блокни, Кафкани зиёлилар ҳам билмайди бугун. Лекин, Камила-ни, Эсмералдани, Жумонгни, бир бало бобони сўранг эди, ўқувчи, ўқитувчини кўйинг, мактабнинг директори ҳам тўлқинланиб кетади, кўзларига ёш олиб гапиради.

Кўпайиб кетган газеталарнинг хаммасини ҳам ёмон отлик килиш албатта тўғри эмас.

Уларнинг орасида ўз бурчига, бош вазифасига содик қолаётган нашрлар ҳам, мана шу вазифа, илохий дастурга садоқат билан хизмат қилаётган ижодкорлар ҳам бор.

Айни маҳалда шундайлар ҳам йўқ эмаски, уларнинг мақсад-муроди биттагинадир: нима килиб бўлса ҳам кўпроқ ўқувчига эга бўлиш, кўпроқ пул топиш. Бу мурод йўлида улар ўз нашрлари саҳифасини машҳурлар ҳаётига оид миш-мишлар, ғийбатлар, уйдирмалар, олди-қочди, юзаки, воқеликнинг фотосуратигина бўлган хикоялар билан тўлдирадилар.

Дарё-дарё кон тўкилади бундай “асар”ларда, ҳар кадамда хиёнатлар, соткинликлар, юзсизликлар юз беради, кайнота келин билан юриб кетади, кимдир ажина, алвасти, ғайб оламининг бошқа вакиллари билан учрашади, самодан келганлар аёлларни ўғирлаб кетади-да, вақти-соати келиб юзлари кўм-кўк, оёқ-қўллари қурвакасимон болалар туғиладилар ва ҳ. к.

Айрим “нарсалар” халқимизни одоб-ахлокли, меҳр-муҳаббатли, оқибатли килиб тарбиялаш иддаоси билан ёзилади: отасини урган боласидан калтақ ейди, қўли синиб қолади унинг, бошқаси болаларини ташлаб кетади-да, кексайгач қариялар уйига тушиб қолади, ёки янги хотинидан фарзанд кўрмайди.

Ялангоёқ юрганнинг оёғига мих киради, кайнатилмаган сув ичганининг қорни оғрийди.

Хўш, кимгадир шуям фойда бўлгандир, ибрат, ўрناق бўлгандир. Фалончи нокасу, ножинс экан, бундок кирдикорлар қилган экан, худо бу дунёдаёқ жазосини берибди, кел, мен бундай номаъкулчиликларга бормайин деб тўғри хулоса чиқаргандир. Бу ҳам керак, албатта. Боз



устига, нашрлар борки, маколаларни, келган хатларни муҳокамага кўядилар, адашган, бошига мушкуллик тушган одамларга жўяли маслаҳат бериб, йўл-йўриқлар кўрсатадилар.

Лекин, бу адабиёт эмас-да! Шунинг ўзини ўқиш билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Бунинг ўрни бошқа, ҳақиқий адабиётнинг ўрни бошқа.

Нимагаки, ҳақиқий, бадий мукамал, комил асар ундаги воқеа-сюжетнинг ларзага солувчи, ҳайратбахш таъсиридан ташқари бадийликни ташкил этган барча унсурлар билан ҳам таъсир қилади ўқувчининг кўнглига. Ёзувчининг сўз танлаш, жумла тузиш маҳорати, кўллаган истиора, муқояса, ташбех ва бошқа воситаларнинг гўзаллиги билан обод қилади руҳимиз оламини.

Бундан ташқари ҳақиқий бадий асар воқеани ҳикоя қилиб бериш билан кифояланмайди, унинг илдизлари, келтириб чиқарган сабабларини таҳлил қилади. Ундан шу воқеанинг тарихи, таржимаи холи, бугунги ҳолатининг истикболи ҳақидаги башоратларни топа оламиз. Демак, ҳақиқий каламкаш “бу яхшидир, бу ёмон” дебгина қолмай, ёмондан, ёмонликдан қутулишнинг, яхшиликка боришнинг йўлларини кўрсатади.

Ҳақиқий ёзувчи фотограф эмас, унинг асаридан ҳар гал ўқиганинда инжа мазмунлар, янги кирралар, ибратлар топасан, ларзалар топасан.

Асл адабиёт фалон ёмонликни қилма қабилдаги жўн насиҳатга бормайди, унинг таъсири теранроқдир, кучлироқдир. У китобхоннинг руҳига, тафаккури, туйғуларига шундай таъсир қилади, зимдан шундай тарбиялаб қўядики, одам ҳар қандай ёмонликнинг шайтондан эканини чин дилдан ҳис этади, англаб этади. Жараён жуда чуқур кечади, ҳосил-хулоса умрбодликдир.

Яхши асар қайси замон ва макон ҳақида ёзилганидан қатъи назар ҳамма замонларга хос саволларга жавоб бера олади, демак у ҳамма замон ва макон ҳақидадир.

Биз халқимизни мана шундай бойликдан – маънавий тарбиянинг, ҳақиқат ва ҳақни топишнинг қудратли воситасидан маҳрум бўлиш



жараёнини кузатиб турибмиз. Бадий адабиёт маънавият мулкнинг султониدير. Султонсиз мулк бошбошдоклик манзилига айланади, тартибсизлик, анархия хукм суради унда...

Маънавиятимиз мулки бу султон таъсиридан бир қадар чиқиб қолгани учун уни енгил-елпи газеталар, мазмун кашшоқ, оҳанги бегона нағмалар, кино санъатининг энг олий намуналари ҳисобланмайдиган сериаллар босиб кетди.

Агар қайси жойдаки, миллатнинг азизлари, улуғлари тилдагина эъзоз этилиб, аслида даврдан сурилиб қолишса-ю, тўрни чўпчакбозлар, “олди-қочди”, “ўлдирди-топди”дан сўзлайдиган устамонлар, хом-хатала нағмаларнинг таъмагир ижрочилари эгаллаб олган бўлса, демак, бу ердаги аҳвол ташвишга асос бўлгулик.

Агар қайсидир миллат юксак маданияти бўла туриб бир кечакундуз давомида ундан баҳра олгани ярим соат вақт тополмаса-ю, аммо қаланғи-қасанғи сериаллар, газеталар, нағмалар учун уч соат, тўрт соатлаб умри нақдини сарфлайверса, бу ердаги аҳвол қайғуликдир.

Ватан ҳақида, ватанга муҳаббат ҳақида гапирилмаган кун йўқ. Сиздан агар сўрасам, севасизми уни десам, албатта севаман деб жавоб берасиз. У ҳақда шеърлар ўқийсиз, қўшиқлар айтасиз. Олисроқ кетсангиз, сафарда кўпроқ юриб қолсангиз уйингиз-остонангиз, боғингиз, кўчангиз, маҳаллангизни соғинасиз. Булар ватан деган азиз оламнинг нурафшон жузвларидир. Бироқ, унутмангиз, азизим: бугун сиз эътибор бергани фурсат топа олмаётганингиз соҳа – мумтоз маданий меъросни бой берар экансиз, Ватаннинг энг нурафшон, энг азиз жузвини йўқотасиз!

Унутганлар, бой берганлар мамлакат микёсида бир фоиз бўлса ҳам бу кўп оғир фожеа, фалокат. Биттагина бўлса ҳам шундай.

Ёшларимизнинг интернет орқали бутун жаҳондан ўзлари учун зарур билимлар, маълумотлар олишлари албатта яхши. Бироқ, интернет билан муроСага киришар эканлар, фарзандларимиз ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари даркор, сабабки, интернет деганларида яхши гаплар ҳам бор, йўқ эмас, лекин, уларнинг маънавияти, ахлоқу-одоби учун ўта зарарли нарсалар ҳам у ерда етарлича топилади.

“Интернет инсон қўлидаги ойболта, пичоқ ёки белкурак сингари меҳнат куролидир, ундан турли максадларда фойдаланишимиз мумкин, - деб ёзади Москва адабиёт институтининг ректори, профессор Борис Тарасов. – Бугунча афсуски, унинг саҳифалари оммабоп маданиятнинг ахлати билан тўлиб кетган.”

Кино санъати пайдо бўлганида айримлар театрнинг ўлимини башорат қилган эдилар. Кейинчалик ойнаи жаҳон кашф этилди ва энди буни кинонинг кушандаси, котили дегувчилар топилди.

Кўриб турганимиздек, на адабиёт, на театр, на кино қайтиш қилганлари йўқ, сабаби ҳар бир санъат турининг бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган, ўрнини ўзгаси боса олмайдиган ўзига хослиги, нашидаси, вазифаси бор.

Таомил шундайки, янги пайдо бўлган нарсанинг атрофида бир “шов-шув”, “кўтар-кўтар” бўлиб олади. Бугунги кунда ёшларимизнинг интернетга ўзларини ташлашлари ҳам шундан. Вақт ўтиб ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Аксинча бўлиши мумкин эмас.

Калом, сўз – субҳоний неъмат.

Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири Мутакаллимдир, у ўз зоти-га хос равишда сўзлайди, биз бандаларига нозил бўлган қатор китоблардан унинг сўзлари ўрин олган .

Парвардигори олам ўзга хилкатлар орасида инсонни ўзига яқинроқ кўргани, устунроқ билгани учун ўзининг ана шу сифати билан баҳраманд этган уни – сўзлай олиш имконини берган.

Мутафаккирлар, донишмандлар асрлар давомида сўз ёрдами, сўз воситаси ила инсонпарварлик, маънавий гўзаллик, адолат каби умуминсоний қадриятларни тараннум этиб кетганлар, тафаккур, изланиш, кузатиш натижасида топган ибратлар, мушоҳадалар, хулосаларни айнан китобларда битиб қолдирганлар.

Адолатсиз ҳукмдорлар, исёнчилар, ғалат сиёсий тажрибаларнинг раҳнамолари эса ҳамиша оммани беҳабарликда тутганлар, ҳақиқатга, Ҳаққа олиб борадиган улуг, қудратли илмни халқдан йироқ тутишга, ёки ўз ғояларини таъкидлайдиган юзаки сафсата-ларни билм дея уқтиришга уринганлар.

Оқу-корани танийдиган, тафаккури мунаввар одамдан кўра,



онги сўқир жохилни етаклаш, ўзи истаган тарафга пода каби ҳайдаб кетиш албатта осонроқ.

Боскинчилар маълум миллатга қарши уруш очиб келар эканлар, унинг китобларига қарши ҳам урушганлар. Римликлар яҳудий ва насронийларнинг, яҳудийлар мажусий ва насронийларнинг, насронийлар яҳудо динига оид адабиётларни куйдириб қулини кўкка совурганлари маълум. *Александр Македонский Истаҳр шаҳри яқинида "Авесто"ни тўглаб ёқиб юборган бўлса, Кардинал Хименес Андалусиянинг маиҳур шаҳри, амирликнинг пойтахти Гранада-ни босиб оларкан, беш минг жилд Қуръони Каримни ўтда ёққан эди. Болшевиклар ҳукм сўрган йилларда ҳам тарихимиз, динимиз, миллий қадриятларимизга оид минглаб-миллионлаб китоблар ваҳшиёна йўқ қилинган.*

Нимагаки, китоб ҳеч қачон бефарқ, суст томошабин бўлган эмас. У ҳамиша, ҳар қачон зулм ва ноҳақликка қарши курашнинг олдинги сафларида бориб, инсониятни юксак ижтимоий қадриятларга, адолатга, бахту-саодатга бўлган ишонч билан қуроллантириб келди.

Адабиёт бир маҳалнинг ўзида бир қанча жуда муҳим вазифани адо эта олиши билан ўрнини ҳеч бир санъат тури эгаллаб олмай-диган аҳамиятга эгадир. У тасвир этилаётган замон, макон ва халқ тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Фан ҳам шундай билимларни беради, санъат асари эса ҳам билим беради, ҳам инсон маънавий оламини бойроқ қилади, руҳи-иродасига куч-қувват, қанот бахш этади. Тарих воқеани ҳикоя қилади, роман воқеани шахслар, характерлар, драматик коллизиялар орқали таҳлил қилади. Асар қаҳрамонларнинг шахс сифатида бошдан кечирганлари, кўнгилдан ўтқурганларини ҳам таҳлил қилади, уларнинг фикру мулоҳазалари, тажрибалари билан ўртоқ қилади ўқувчини.

Санъатда дунёни ўрганиш, баҳо бериш билан қўшиб олиб боради. Китобхон мутафаккир ёзувчининг гоҳ очик, гоҳ сатр остида, тимсолларда, "қўмма" шаклида келган фавқуллодда теран хулосалари билан танишади. Шундай хулосаларга етиш, хусусан уни гўзал



бир шаклда иншо эта олиш танланган кишиларга бериладиган им-
ғиёз, имкондир.

Яхши адабий асар, санъат асари миллатнинг бой тарихи, мада-
нияти, атокли сиймолар, интилиш-орзулари, йўқотиш-топганлари
ҳақида дунё кезиб давралар беради. Бу давраларда юкорида айтил-
ган мавзулар борасида давомли суҳбатлар бўлади, улар то шу асар
бор экан, давом этаверади. Демак, жаҳон бўйлаб ўша миллатнинг
дўстлари, қардошлари, дилдошлари, ҳамкорлари кўпаяди.

Тарих фанидан фаркли ўларок бадий асар бўлиб ўтган
воқеанинг давоми – демак, маълум миллат тақдирининг бундан буён
кандай бўлишини башорат қилиши билан ҳам муҳимдир. Қадимги
Юнонистондаёқ санъатлар хомийси бўлган маъбуда Аполлон ҳам
ўзи баширлик қобилиятига эга эди, ҳам аҳли санъатни шу хусусият-
га эга қила олар эди.

Эртанги куни, келажак ҳаёти ҳақида муайян тасаввурга эга
бўлиш инсон учун қанчалик муҳим экани барчага аён ҳақиқат. Ҳар
кандай одам бугун яшар экан, бугун бирор ишга жазм этар экан,
эртани ҳам ўйлайди, бу иш қандай яхши ёки ёмон оқибатларга олиб
боришини фикр қилади. Шундан келиб чиқиб, яхши аъмолларини
кўпайтиради, ёмонларини, ёмон оқибатларга олиб бориши мумкин-
ларини баргараф этади.

3

Энди, мана бу гапларга кулок беринг.

*Ғарбда яшайдиган рус ёзувчи Владимир Максимовга тегишли
шундай гап бор: “Россиянинг иқтисодий тараққиёти, - дейди у, -
бевосита Пушкинга боғлиқдир”.*

Адиб шундай дер экан, албатта, Пушкин тимсолида рус мада-
ниятини, алалхусус, Пушкиндан ташқари Достоевский, Лермонтов,
Гоголь, Толстой, Чехов, Блок, Ахматова, Цветаева, Есенин, Набо-
ков, Бродский ва бошқа-бошқа даҳо ижодкорларга эга бўлган буюк



рус адабиётини ва устунни бу адабиёт бўлган маънавиятни назарда тутгани шубҳасиз.

Одам боласи дунёга келар экан, атроф-мухитга, ўзи ўсиб-улгайган оилавий ва ижтимоий мухитга тафаккур назари юбориб, ундан ибратлар олади, хулосалар, фикр-тушунчалар ҳосил килади – инсон бўлиб шаклланади. Ҳақиқий адабиёт ана шу фикру хулосаларни гўзал бир тарзда, юзлаб энг таъсирли, энг ларзали, унутилмас мисоллар воситаси билан теранлаштиради, мустаҳкамлайди. Ватан-парварлик, миллатсеварлик, мардлик, одобу-ахлоқ, ҳалоллик, меҳру мухаббат, саховат ва бошқа чин инсоний фазилатларни шакллантиради. Шахсияти мана шу мезон ва мана шу фазилатлардан маҳрум одам яхши ишчи, хизматчи бўла олмайди. Фуқароларида ушбу мезон, тамойил ва фазилатлар шаклланмаган жамиятда иқтисодий тараққиёт бўлмайди. Ёки бундай тараққиёт вужудга келганда ҳам унинг умри узоқ давом этмайди. Бир-бирини алдаб, талаб, ғажиб, юлиб семирган, униб-ўсган шафқатсиз, номуссиз, авбош ёвузларнинг тўдаси бўлади бундай жамият. Нимагаки маънавияти, маданияти йўқ одам ижтимоий маҳлукдан ўзга бир нарса эмас.

Владимир Максимов Россиядаги иқтисодий тараққиёт тақдирини Пушкин билан, у мансуб бўлган адабиёт билан боғлаганини кўрдик.

Бизда ҳам айнан шундайдир.

Бизда ҳам шундай адабиёт бор, уларда бизнинг маънавиятимиз учун зарур бўлган кадриятлар, идеаллар, адаб қоидалари кўркам бир тарзда тараннум этилган ва агар биз уларни ўқиб, ўқиб, руҳидилимизга нақш, ҳофизамизга дарж этмас эканмиз, жамиятимиз ҳаёти ва ўз истак-ингилишларимизни ана шу кадриятлар, тамойиллар, идеалларга муносиб равишда қурмас эканмиз, маънавият ҳақида ҳам, тараққиёт ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас.

Худди шунинг учун ҳам, мухтарам Президентимиз ва Ўзбекистон ҳукумати истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ буюк аждодларимиздан бизга етиб келган адабиётни ўрганиш, нашр этишдек муҳим соҳага ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар.

Бизнинг маънавиятимиз аввало Қуръони Карим оятлари, яъни ллох субхонаҳу ва таолонинг буйруклари, ҳадиси шарифда келган ʔратлар, сабоқлар, кўрсатмалар асосида шаклланади.

Бизнинг маънавий устодларимиз, пирларимиз тарихимизни ҳал илувчи ёркин кезларида майдонга чикиб, юксак ватанпарварлик, иллатсеварлик, мардлик намуналарини кўрсатган Широк, Тўмарис, ʔалолиддин Мангуберди, Темурмалик, Нажмиддин Кубро, Мадали шон, Номоз Ботир, Бобонбек каби қаҳрамонларимиздир. 1917 йили тўнтаришдан кейин миллий озодлик ҳаракатини янги босқичларга ўтарган диловарларимиздир. Истиклолнинг Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Мухаммад Шариф Сўфизода, Ёсқоқхон Ибрат, Саид Носирхон тўра ва бошқа минглаб фидоийларимиздир.

Инкорнинг кўзи билан қараган кишига Юсуф алайҳиссаломнинг теҳраси ҳам хунук кўринар экан.

То мустақиллик довонидан ошиб ҳуррият салтанатига қадам қўймадик, миллий тарихимизда борки подшоҳу султонни яқсара, яқсара ашаддий золим деб, ҳар қандай маърифат ва маънавиятнинг кушандаси бўлган жоҳил деб уқтирдилар. Иван Грознийдан, ҳатто, Григорий Распутиндан фазилат топилди, бироқ Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби маърифатпарвар, шахсияти гўзал ҳукмиронларимиз эса яқин-яқингача ҳам маломат, таъна, камситишдан қутулмай келдилар. Ҳазрат Соҳибқиронни, Шайбонийхон, Ҳусайн Бойқаро, Абдуллахон ва бошқа юртбошларимизни-ку тилингизга олманг...

Ҳолбуки, сўқир эмас эди кўзларимиз: Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўконда қад кўтарган кўркам, афсонавий обидаларни кўриб турардик. Нафақат Туркистон, балки Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонда ҳам бизим ҳукмдорларимиз бош-кош бўлиб қурилган меъморий санъат дурдоналари мавжуд эканидан бохабар эдик.



Туронзаминини сўраган ҳукмдорларни фақат қора бўёқлар билан таърифламокнинг ўзи сўкирликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Юнон-Бактрия, Кушонлар, Тохарлар, Эфталитлар, Турк хоконлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжукийлар деб аталмиш салтанатларда ободончиликка, илму-фанга, адабиёт ва санъатга эътибор давлат раҳбарининг ҳамиша ғамхўрлиги остида бўлган. Йўқ эса, бу заминдан номи жаҳонни тутган, оламни кўлига дарсликлар тутқазган алломалар етишиб чикармиди! Маҳобатли иморатлар барпо этилармиди, бири-бирининг гўзаллигига рашк қилган девонлар, дostonлар битилармиди!

Олим Амриддин Бердимурод соҳибкирон бобомизнинг олижаноб ишлари ҳақида шундай деб ёзади: «Мовароуннаҳр шаҳарларида барпо этилган осмонўпар саройлар, масжидлар, мадрасалар, қарвонсарой, хилхона, бозор, ҳаммомлар лойиҳасини Амир Темурнинг ўзи шахсан кўриб чиқиб тасдиқлаган ёки қайта тузаттирган. Жаҳон тарихчиларининг аксарияти яқдиллик билан тан олишларича, Темурийлар даврида Туронда қад кўтарган меъморий обидалар ўша вақтда Шарқда бунёд этилган осори-атиқаларнинг энг ноёби, энг мукаммали ҳисобланган... Соҳибкирон нафақат ўз дорул-салтанати бўлган Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Ҳирот шаҳарларида, балки, давлати таркибига қирган барча юртларда ҳам улкан бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланган: Табризда масжид, Шерозда сарой, Боғдодда мадраса, Туркистонда шайх Аҳмад Яссавий макбараси, Марв, Балх, Йазд, Машҳад, Кобул ва бошқа жойларда ҳам масжидлар, мадрасалар, бозорлар, боғу-бўстонлар.»

Бу хайрли ишлар жаҳонгир бобомиздан кейин ҳам давом этирилган. Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Гавҳаршодбегим, Бойсункур Мирзо, Хусайн Байқаро, Милкат Оғо, Билга Султон, кейинчалик Абдуллаҳон, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) ва бошқа салтанат эгалари, шахзодалар, маликаларнинг хизматлари туфайли юртимизни Шарқнинг энг гўзал, афсонавий ўлкаларидан бирига айланган ҳақиқат.

Бобуршоҳ ҳақларида эса “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да шундай сатрлар бор: “Бобур Кобулга умуман

Ўз юрти каби каради, курилиш, ободонлаштириш, касб-хунар ва кишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларини бошлаб юборди. “Боғи Шаҳроро”, “Жаҳоноро”, “Ўртабоғ”, “Боғи вафо”, “Боғи Бобур” каби оромгоҳлар ташкил этди. Шаҳар ичидаги “Боло Ҳисор” калъасини ўз қароргоҳига айлантириб, қайта таъмирлади, янги иморатлар қурдирди. Бобур Афғонистонда бир фотиҳ сифатида эмас, балки, шу юрт ободончилиги ва равнағи учун жон куйдирган тadbирли ҳукмрон сифатида кизгин фаолият кўрсатди”.

Бизнинг маънавиятимиз миллатимизнинг турли даврларда раҳбарлик қилган ҳукмронларнинг яратувчилик, маърифатхомийлик аъмоллари мисолида шаклланади. Улар ўз замонларининг буюқ кишилари эдилар. Давр, ижтимоий-сиёсий вазият, зарурий зўри билан недир хатога йўл қўйган эсалар – бу ҳам ибрат, сабабки, бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, дея бежиз айтмаганлар.

5

Халқимиз барқамол инсон ҳақидаги тасаввурлари, орзуларини оғзаки ижоднинг ноёб намуналаридан бўлмиш дostonларда акс эттирган.

“Алпомиш”ни ўқиганингиз борми? Унда, ҳозир фильмларда кўраётган, сериалларда кўраётган азаматларнинг юзтаси, мингтасига битта ўзи дарс берадиган қаҳрамонларимиз, алп ўғлонларимиз борлигини яхши биласиз. Ойбарчинни, Қалдирғочни танийсиз. Балки, Гўрўғли, Авазхон, Тохир, Зухро, Мукбил тошотар, Санобар, Ошиқ Ғариб, Шохсанам каби ҳам ҳусн, ҳам ҳислат-фазилатда беназир, мардлик, жасурлик, адаб, меҳр-муҳаббат, садокат, шафқат тимсоли бўлган миллатдошларимизнинг борлигини ҳам биларсиз?

“Ойнаи жаҳон” кўрсатувларида, дэрслик китобларингизда, матбуот саҳифаларида, анжуманлар, тadbирларда миллатимизнинг фаҳру-ифтихори – буюқ алломаларнинг номлари қайта-қайта тилга олинади. Қайси ўқув маскани, қайси ташкилотга борманг, уларнинг суратлари қатор қилиб осиб қўйилган. Бор, демак, ҳаммаси жойида.



Энди айтинг-чи, уларнинг қаршисига бир неча дақиқа тўхтаб, дурустроқ разм солганингиз, ўйга толганингиз ёдингизда борми? Мабодо, шундай қилганингизда, буюклар нигоҳида, ардоқли боболар назарида миннатдорлик, ташаккур билан баробар бир андак мунг, маломат ва яна хоҳиш, талаб, топшириқ борлигини ҳис этишингиз аниқ эди.

Сабабки, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний ва бошқа барча алломаларимизнинг ҳаётлари ҳақида дарсликларда берилган мухтасар, дастлабки маълумотларга коникмай, кўшимча адабиётлар ўқиган, ўрганган, улар шахсиятидаги гўзал хислат-фазилатларни ибрат учун қабул қилган ёшларимиз албатта бор, бор-у, таассуфки кўп эмас. Вақтингиз, умрингиз нақди кўпроқ керак-нокерак сериалларга, ўта саёз, ўта енгил кўшиқларга, сарик матбуотнинг миш-мишларига, ёлғон-яшиқдан иборат мақолаларига сарф этилаётир.

Исроф эмасми, дўстларим!

Йўл-йўлакай, наридан бери, юзаки ўқиган билан, унда-бунда айтилган сабоқларни, суҳбатларни мудраб, беҳафсала, муроса учун эшитган, аждодларимизнинг табаррук ёдига бағишланган тадбирларда ҳам хўжа кўрсинга қатнашган билан улар ҳаётидаги ҳикматлар, ибратларни ўзиники қилиб бўладими! Агар булар ўзлаштирилмаса маънавиятимизни, йўқ, Сизнинг маънавиятингизни тўқис демок мумкинми!

Имом Бухорий хазратларининг ҳаётини олинг! Кунт билан, кўнгил эҳтиёжи билан ўқиб ўрганган одам учун бутун умрга татиғулик, бағоят-бағоят кучли таассуротлар манбаи, сабоқлари умр бўйи аскотадиган олий мактабдир бу ҳаёт.

6

Муқаддас динимиз – ислом равнағига ҳисса қўшган, унинг тарихида инкор этилмас ўрни бор алломаларимиз, донишмандларимиз, файласуфларимизнинг ҳаётини ҳам сабру-матонат, меҳри вафо, камтарлик, ростгўйлик, садоқат каби юксак фазилатлардан сабоқ берувчи ана шундай мактаб аташ мумкин.



Улуғимиз Алишер Навоий «Насойим-ул муҳаббат» («Муҳаббат шабодалари») деб аталган асарларида етти юздан ортиқ машҳур Шарк файласуфлари, машойихлар, донишмандларнинг кўркем фаилатларини мўъжаз ҳикояларда тавсиф этганлар. Ҳазратнинг «Та-рихи анбиё ва ҳукамо» китоблари эса пайгамбарлар, жаҳон фанида машҳур ҳакимлар-файласуфлар ҳаётига бағишланган. Булардан бе-ҳабар киши маънавиятимизнинг энг муҳим қисми бўлган исломий одобу-икром. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло буюрганидек яшашнинг бена-зир, хайратбахш намуналаридан баҳраманд бўла оладими?

Алишер Навоийнинг юкорида айтилган асарларида Жунайд Бағдодий ҳақида шундай таърифлар бор: «Ҳар киши ярим кун Жу-найд билан суҳбат қилса, ундан одобсизликни кутманг. Агар ақл одам суратиға кирса, бу Жунайднинг сурати бўлур эди».

Абу Ҳамид Дўстон ҳақида эса ҳазрат шундай ҳикояни келтира-дилар: “Сақко деган одам Абу Ҳамидга сув беради. Қараса, у зот сувни ичмай турган эмишлар. «Нега ичмайсиз?» деб сўрайди Сақко. «Бир чивин чанқоғини қондираяпти, шуни кутиб турибман»,-деб жавоб беради Абу Ҳамид.”

Буюк шоиримиз бу хил зотлар эл ичра такаллумнинг шафоати (сўзлашиш, суҳбатлашиш одобининг гўзаллиги) билан, хулқнинг хусни, юзнинг гўзаллиги, нафснинг шикасталиги, эъгирознинг кам-лиги, узрнинг қабули (яъни, ҳар ким узр айтса қабул қилиш одати), шафкатнинг тўқислиги билан ажралиб турадилар, деб айтади.

Ҳар қанча тан берса, ўрганса, амал қилса бўладиган мусулмоно-на, шарқона, ўзбекона ҳислат-фазилатлар, шундаймасми!

Буюк Навоий ўзи қаламга олган авлиёларини таърифлар экан, уларнинг мана шу хусусиятларига алоҳида урғу беради:

Шаҳодат қалимасини кўп зикр этиш – авлиё машойихлар бир лаҳза бу зикрдан гофил бўлмайдилар, баъзилари бу қалимани эшит-ганда унинг ҳурмати ва таъсиридан беҳуш бўлиб йиқиладилар. Шундайлари ҳам борки, уни эшитганда жон таслим этганлар.

Салоти ҳамса, яъни беш вақт намозни адо этиш. Намозни бу зот-лар шундай адо этадиларки, “ақл қошида маҳол кўринар”. Хусайн



Мансур Халлож бир кеча-кундузда минг ракъаат нафл намози ўкир эканлар. Боязид Бистомий хазратларининг эса «Аллоҳу акбар» такбири айтилганда намозга ва албатта худои меҳрибонга бўлган эҳтиром, мухаббат кудратидан «Хар туки тубидан бир катра кон чиқади»

Закотни динимизнинг беш фарзидан бири эканлигини эшитгансиз...

Энди машойихлар закотни қай тарика адо этишлари ҳақидаги катра ҳикояни эшитинг:

“Шайх Абу Бақр Шиблийдан бир факих (фикхшунос олим) сўрабдики: «Закотни қандай адо қилмоқ даркор?» Шайх дебдилар: «Сенга фарз бўлган закотни айтяпсанми?» Ҳалиги факих яна савол беради: «Менга фарз бўлгани қайси-ю, сенга фарз бўлган закот қайси?» Шунда Шайх жавоб берадилар: “Сенинг закотинг улким, ҳар икки юз дирҳамдан беш дирҳамини худо йўлида эхсон қиласан. Менинг закотим буқим, ҳар икки юз дирҳамдан икки юз беш дирҳам тангри таоло йўлида бергайман.» Дейдики: «Икки юз дирҳам тўла қайтарилди, яна беш дирҳам нима учун?» Шайх айтадилар: «Ўша икки юз дирҳамни етқизган худога шукрона учун».

Шеър мулкининг султони ҳикоя қилган азизлар динимизнинг тавба, рўза, закот каби аҳкомларини олий мақомларга етказиб адо қилиш билан бир қаторда камтарлик, ўзни ўзгалардан хоксор, паст тутиш, хизматбарорлик, хушсуханлик, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳеч кимга, ҳатто энг ёмон одамларга каттик сўз айтмаслик, очиккўнгиллик, чидам ва бардош, худодан ҳар не келса шукр ва сабр билан қабул қилиш, кўйингки, асл инсонга, комиллик топган инсонга хос хислатлар борасида ҳам балоғат низоми эдилар.

Азизларимиз дин, такво борасида ҳам, комил инсонлик мақомини эгаллаш йўлида ҳам бизга ибрат бўлишга муносиб зотлардир, биз айнан шу зоти шарифларни ўзимиз учун идеал билишимиз ва мана шу идеаллардан андаза олиб шакллантироғимиз даркор ёшлар маънавиятини. Илоҳи, муборак зотларнинг баракоти миллатимиз бошидан кам бўлмагай.



«Биз классик меросимизнинг, айникса бадий адабиётимизнинг куда катта маърифий, тарбиявий, эстетик аҳамиятга моликлигини ихши биламиз. Бирок шу бойликдан тўла ва тўғри фойдаланишни уддалаётганимиз йўқ», - деб таассуф чекадилар атокли олим ўқижон Тўхлиев.

Шундай. Қайдаки маънавият мавзусида мажлис тузсак, унга умумтоз адабиётимизнинг Фарход, Ширин, Лайли, Мажнун, Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно сингари ўнлаб қаҳрамонлари албатта таклиф этилишлари шарт.

Бизнинг маънавиятимизга пиру устоз Навоий ҳазратлари, Бобур Мирзо, Шох Машраб, Нодира, Увайсий, Огаҳий, Фуркат, Чўлпон, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Максуд Шайхзода, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парпи, замондошларимиз бўлмиш кўплаб ёрқин истеъдодли шоирларнинг теран мазмун ва бекиёс гўзаллик намуналари ўларок дунёга келган назм дурдоналари сайкал беради. Бу маънавият Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Фарход Мусажон, Тоғай Мурод ва бундан ўзга ҳам қатор-қатор наср усталари томонидан яратилган хикоялар, қиссалар, романларни, уларнинг турли даврга мансуб, хилма-хил феълу атворга эга, умри интилиш курашларда ўтган қаҳрамонларини яқиндан таниш билан камол насб этади.

Юқорида қайд этилган шоирлар, наср усталарининг ҳар бирини эҳтиром қасрининг ардоқли меъморлари, қўнғил салтанатининг муҳтарамлари, азизлари аталса дуруст. Буларнинг ҳаёти ҳам Ватанга, миллатга муҳаббатнинг одобу аҳлоқнинг, савъ ила фикратнинг озодалиги, сарафрозлиги, атоий ҳақ истеъдодига, парвардигор тарафидан юклатилган дастур – ҳақ сўз айтишдек бурчга садоқатнинг тимсоли бўлгани билан қимматлидир.



Агар юлдуз умрини ўзини ёкиш билан ўтказар экан, бу, шу ишнинг албатта зарурлиги учундир. Даҳо ижодкорларни оламни мунавваррок, жамият ва ҳар бир инсонни комилроқ кўриш учун ўзларини ёқиб-ёндириб яшаган юлдузлар аташ дуруст.

Ҳазрат Навоийнинг қай миллат ва эътиқод, қай замон ва маконга мансублигидан қатъи назар ҳар қандай одам тан бериши, таҳсин ўқиб бош эгиши тайин фазлу фазилатларини китоб ўқимай ўрганиб бўладими?

Алишер Навоий номи билан маъруф борлик – бу беназир инсоннинг такво ва покдиллик, ҳамида ахлоқ, меҳру саховат, буюклик ва камтарлик, сеҳрофарин ижод билан ўтган ҳаёти ҳамда бу зоти нажибдан мерос бўлиб қолган – қимматини белгилаш учун осмоннинг ўзидай тарози, юлдузларнинг миқдори қадар гавҳар даркор бойлик қўшилиб ташкил этган бу борлик буюк бир раҳмат хазинаси, хикмат дафинасидир.

Ёки Машраб ҳазратларининг ҳаётларини олайлик.

Оташин илоҳий муҳаббат, фалак авжли, денгиз мавжли, савқи табиийлик гуркираган умр-у ижод. Шеърлар борки – оташ пораси дейсиз. Шеърлар борки, оламу одамни теран мушҳоода билан назардан ўтказилгандан кейин битилган – ноёб мазмунлар, қутилмаган хулосалар билан қимматли. Яна, ҳаёт нашидаси, гўзалларнинг хусни латофатидан туюлган завқдан сочилган шўҳ, ўйноқи сатрлар. Асосийси, Шоҳ Машраб пиримизнинг ҳаёти олинган ҳар нафаснинг поклиги, ҳар луқманинг ҳалоллиги, айтилган, битилган ҳар бир сўзнинг ростлиги билан азиздир. Бу ўринда ҳам улуғлик ила камтарлик, ҳатто хоксорликни муштарақ кўрамыз. Машраб устознинг ижодида эса шоирнинг бепоён дарди изҳорини ҳақсизлик, адолатсизлик билан умр кечирган мардумнинг минг бора, минг бора оғирроқ дарди, изҳорини қўшиб айтилганини кузатамиз.



Бобур ўз замонасида мамлакатда ҳамжиҳатлик ўрнатиш билан бир каторда моддий ва маънавий бойликлар бунёд этиб, мўл-кўлчиликни таъминлашга ҳам алоҳида эътибор беради. У жойларнинг табиий бойликларини аниқлаб тасвирлар экан, уларнинг хўжаликдаги аҳамияти, инсонларга қандай нафи борлигини ҳам баён қилади.

Зокиржон Машрабов, Собиржон Шокаримов.

Фитратнинг “Адабиёт қондалари” назарий қўлланмасида энг кўп мурожаат қилинган шоирлардан бири, ҳатто яғонаси Бобурдир. Қўлланманинг вазн масаласига бағишланган қисмида назарий муаммолар таҳлилида олим Навоийга мурожаат этса, муайян бир баҳр ёки вазннинг шеърдаги кўринишларини асослашда Бобур шеърятига суянади. Масалан, “Аруз усули” бобида “баҳри ражаздан икки вазн” дейди-да, ҳар икки мисолни Бобурдан келтиради. Шу каби “баҳри мужтасдан икки вазн”, “баҳри музореъдан икки вазн” келтиришда ҳам, буларнинг ҳаммасини Бобур ғазалларидан олади. Бу билан, бир томондан, Бобур шеърини меросини тугал билган олимнинг қувваи ҳофизасига тан берсак, иккинчи жиҳатдан, айти мана шу мисолларнинг ўзи биланок Бобур турк адабиётида арузни тугал билган ва гўзал қўллаган шоир эканини уқтиришга эришади.

Ҳамидулла Болтабоев



ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ВА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Неча бу фалак солгуси ғурбатка мени,
Хар лаҳза тугонгусиз машаққатқа мени,
Не чора килай, нетайки, тенгри гўё,
Меҳнатни менга яратти, меҳнатқа мени.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Мирзо Бобур ҳақларида ҳикоялар, киссалар, романлар, рисо-
лалар битилган, фильмлар суратга олинган, театр томошалари
ўйналган. Бу ҳаракат, жараён бардавом бўлгусидир. Сабабки, бун-
дай асарларни мутолаа қилмоқ хайрат ва ибрат бўстонида гул
жамламоқ билан баробар. Султонлар ичра шоир, шоирлар ичра сул-
тонлардан бири Бобуршоҳнинг ҳаёти мардлик, ёвқурлик, шижоат,
низомийлик салоҳияти ила донишмандлик, мутафаккирлик, ҳаёлот-
нинг марғублиги уйғун келгани билан хайратли. Тақдирнинг бир
инсон ҳафсаласи кўтармоғи мушкул ҳамма машаққатлари тенги йўқ
ирода билан енгилгани туфайли мумтоз.

“Заҳириддин Муҳаммад Бобур тийрак ақл, қомусий билимга эга
бўлиши билан бирга, одамларни ўзига жалб қила биладиган, таш-
қилотчи, мард, чидамли, виждонли инсон эди. У жангларда сафнинг
олдида борса, қийин шароитларда ҳамма билан бирга бўлиб, бор
машаққатни баҳам кўрар эди” – деб ёзадилар устоз Исматулла Аб-
дуллаев. Шоирнинг ўзи ёзганидек:

Бу нечук зулмдур – ниҳояти йўқ?
Бу не янглиғ ситамки – ғояти йўқ?

Бу миқдор машаққат, сарсон-саргардонлик асносида вақт ва ҳафсала топиб нафис, гўзал шеърлар бита олгани, ўз замони ҳақида, қадами етган-етмаган манзил – маконларнинг тарихи, табиати, иқлими ҳақида, замондошлари бўлмиш тарихий шахслар ҳақида қимматли маълумотлар тўплаб, тартибга келтирганига, қозоғга туширганига нима дейсиз! Яна, ўтқинчи сатр йўқ битганларида: ҳар жумла, ҳар сўз ноёб истеъдод ва қунт билан қилинган ижодий меҳнат уйғунлигида дунёга келган.

Билмадим, балки керакдир сериаллар, машхур ашулачиларнинг ўтган ҳафта ичида ким билан кўришгани, ким билан урушгани, нима харид қилгани ҳақидаги хабарларни томоқ йиртиб айтаётган газеталарни ўқиш ҳам зарурдир. Сизларгина эмас, эс-хушини йиғиб олган катта-катта одамлар ҳам барча ишни йиғиштириб, ҳар куни уч-тўрт соат вақтини сарфлаб кўраётибди, ўқиётибди-ку, демак ни-мадир бор бунда.

Бироқ, бир кеча-кундуз давомида ярим соат вақт топиб Хитойдан, Кореядан, Туркиядан ўз юртингизга, ворислик, ўзбеклик, фарзандлик бурчингизга ҳам қайтишингиз шарт, лоақал ярим соат!

Хасанхожа Нисорий Бобур подшоҳ ҳақида ёзадилар: “Чигатой султонларининг энг сараси ва энг зўр шижоатлиси эди... Бобур подшоҳ бир неча муддат ўша хинд мамлакатининг салтанат тахтида мутамаккин бўлди. Кимки жаҳонпаноҳ даргоҳига илтижо қилган бўлса, подшоҳнинг инъомидан баҳраманд бўлди ва фазл дастурхони нёъматларидан курук колмади. Дарё мисол кўли билан саховат оламига эркинлик берди...”

Бобур Мирзонинг фазилатлари бисёр ва камолотлари беғубордир. Аруз бўйича ёзган рисоласи бир денгиздирким, ичи тўла жавоҳиру дурдона, фикҳ масалаларини дағи бир рисолада мутайян қилганким, ёзувчиси донишмандлигидан бир нишона: туркий ва форсий тилларда яхши шеърлари бор. Ўшал фикҳ рисоласининг номи “Мубайян”дир”.

Мирзо Бобурдан қолган мерос – назму наср юксак санъат



мақомини топгани билан, гўзаллиги билан, тилининг бойлиги, латифлиги билан мафтун қилади. Бу мулки меросдан баҳраманд бўлмоқнинг ўзи ҳар қандай инсонни маънавий баркамолликка ет-кизади.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек эътироф этганлар: “Бобурнинг рубойлари унинг поэзиясининг чўккисидир. Бобурдан олдинги ва кейинги шоирлар бу бобда унга ета олмаганлар. Умар Хайёмнинг рубойлари каби унинг рубойлари ҳам фалсафий фикрларга бой, шаклан мукамал ва ислом дини нуктаи назарининг маҳдудлигидан анча озоддир.”

Бундан ташқари шох ҳазрати олийларининг бевосита исломий аҳкомларга, ижтимоий-ахлоқий масалаларга бағишланган қатор-қатор ғазаллари, маснавийлари, рубойлари мавжуд. Ҳумоюн Мирзо номига битилган мактубда ҳам айнан ана шу масалалар хусусида сўз боради.

“Бобурнома” эса шундай мактабки, унинг ҳар дарси комил инсон тарбиясига бағишланган: юзлаб ибратли-ҳикматли воқеалар, тақдирлар, кишиларнинг ажаб-ажаб феълу атвори, юртимизнинг бой табиати, ҳусни таровати, машҳур сиймолар, шеърят, мусика ҳақида мулоҳазалар...

Мухтарам устоз Исматулла Абдуллаевдан қолган қўлёзма мақолада шундай сатрлар бор:

“1503-1504 йилларда у Бобурий хатни ихтиро қилади. Бу янги ёзув туркий халқлар тилларига мос алифбо тузиш йўлидаги қагга жасорат эди. Бобуршоҳ ёзуви бирорта ҳарф нукта билан ёзилмагани, соддалиги ва қулайлиги билан истеъмолдаги араб алифбосига нисбатан анча афзалликларга эга эди”.

Шу мақоладан яна бир иктибос: “Бобурномада бугунги Афғонистоннинг, хусусан Кобул атрофининг табиати, жуғрофий тузилишидаги ўзига хос хусусиятлари, маъмурий бўлиниши, 14 тумanning ҳар бири, тоғлари, сувлари, даштлари, табиий бойликлари, набототи, ҳайвонот олами ва албатта аҳолисининг тарқиб, ҳаёт тарзи ҳақида бой маълумотлар тўпланган”.



Устоз Кобул ҳамда Афғонистон ҳақидагина айтибдилар. Маълумки, “Бобурнома”да, шунингдек, Фарғона вилояти, Андижон, Ахсикент, Косон, Ўш, Исфара, Конибодом, Самарканд, Кеш, Қарши, Бухоро. Ҳирот ва бошқа-бошқа вилоятлар, шаҳарлар ва яна Ҳиндистон мамлақати, унинг қатор шаҳарлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор.

Бобуршоҳ бундай маълумотларни йиғиш учун айрим ҳолларда шаҳар ва қишлоқларни, тоғу даштларни кезган, ўрганган, юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга олимона эътибор билан қараган. Масалан, Даҳқатда эканида у ердаги тоғларни қандай сайр қилгани ҳақида: “Ақсар ялангоёк юрар эдим. Ялангоёк кўп юргандин оёқларим андоқ бўлиб эдиким, тоғ ва тош тафовут қилмас эдим” – деб ёзади.

Адолатпаноҳ, тадбиркор, юртни обод, раиятни тўқ-бадавлат қилишни ўйлаган ҳукмдорни истасангиз – шу улуғ инсонни топинг, аруз илмини мукамал билган ва ушбу асосда ноёб бадиий маданият ила ғазаллар, рубоийлар битган шоирни қидирсангиз яна шул зот ҳузурига боринг.

Олим ва тарихчи билан суҳбат қурмокни ният қилсангиз ҳам – шоҳ Бобурнинг даврасига интилинг.

Таникли мунаққид Абдурашид Абдуғафуров “Бобурнома”даги қимматли маълумотларни таҳсин ила санаб ўтарканлар, дейдилар: “Асарда ижтимоий-табиий фанлар, тарих, фалсафа, фикх, дин таълимоти, тилшунослик, жуғрофия, табиатшунослик, маъданшунослик, дехқончилик, боғдорчилик ва бошқа фанлар бўйича аниқ ва ҳануз ўз тарихий ва илмий аҳамиятини йўқотмаган маълумотлар келтирилган”.

Ҳасанхожа Нисорий эслаб ўтган – аруз, вазн ва кофия ҳақидаги асарнинг номи “Муфассал”дир. Булардан ташқари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мусика назариясига оид “Мусикий”, ҳарбий санъатга бағишланган “Ҳарб иши” номли рисоалари ҳам мавжуд.

Ҳар қанча фахр этсак арзийдиган улуғимиз, буюғимиз ҳақида асар ёзганлар инглиз олими Эрскиннинг фикрларини келтирадилар. Балки, ўқиганингиз бордир уларни, шундай бўлса, яна бир такрор ўқинг:



“Бобур характерининг мислсиз белгиси унинг бошка хукмдорларникига мос келмаслигидадир. Бу табиат Осие тождорларига хос маҳобат... сунъийликдан фаркли ўларок табиийдир, самий, ҳаётни севган инсоннинг табиатидир... Биз Осие хукмдорлари орасида Бобур сингари истеъдодли ва буюк кишиларни камдан-кам учратамиз. Заковатининг жўшқин фаолияти, хушчакчаклиги, бевафо тақдирнинг барча найрангларига карамай руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида кам учрайдиган сахийлиги, мардлиги, истеъдоди, фанга, санъатга муҳаббати, мазкур соҳалар билан муваффақиятли шуғулланиши каби жиҳатларни эътиборга олганда, осиелик салтанат соҳиблари орасида Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳ тополмаймиз”.

Энди, Эдуард Холден деган олимнинг куйидаги эътирофига эътибор беринг: “Олижаноблик деган тушунчада қандай хосиятлар бор эса, Бобур уларнинг барчасини эгаллаган эди. Унинг манглайига юксак фазилатлар битиб қўйилган”.

Тарихимиз, маданиятимизнинг Захириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ сиймолари қаламига мансуб асарларни ва уларнинг ҳаёти, ижоди ҳақидаги китобларни севиб, мушоҳада қилиб мутолаа маънавият тушунчасини ташкил этган барча унсурларни тарбия этади.

Бу мутолаа, кўрдикки, Сизнинг комил инсон бўлиб вояга етишингиз, исломий, ўзбекний одоб қоидаларини ўрганиб, ўзлаштиришингиз, ҳаёт тамойилларига айлантиришингиз учун бениҳоя зарурдир.

Бу мутолаа шу заминни, миллатни севган, фидоий фарзанди, мард муҳофизи, сарбози, уҳдадор ва саховатли хизматкори бўлиб вояга етишингиз муҳимдир.

Бу мутолаа ўз тарихи ва маданияти, ўз санъати ва адабиётини пухта билган, буларни яратган бонийларни таниган мунаввар инсон бўлишингиз учун зарурдир.

Офтоб бир лаъли а рангу жилва ато этгунча канча меҳнат қилади, ёдингизда бўлсин!

Ниҳоят, бу мутолаа Сизни фақат ўз соҳаси, ҳунари, яшаш учун зарур маблағ-муҳимот топишгагина программалаштирилган манфа-



атпараст, бехис, совуққон. беписанд одам бўлишдан асраши билан муҳимдир. Бундай кишилар ҳаётни еб, ичиб, ухлашдангина иборат деб биладилар. Санъат ва адабиёт улар учун шу атрофда хизмат қилиб юрган, кўнгилхушлик, хордик, эрмак билан таъминлаб туриши даркор чокардан, малайдан бошка нарса эмас.

Бобур Мирзо бундайлар ҳақида аччиқ айтганлар:

Не десанг нафсингнинг ризоси била,
Неки қилсанг анинг ҳавоси била.
Фисқ қилмоқдин ўзга фикринг йўқ,
Фахш демақдин ўзга зикринг йўқ.
...Ҳар ямон бор – ёр қилғайсиз,
Ҳар ямонлиғки бор – қилғайсиз.

Вазифаси, бурчи кўнгил тарбияси, маънавий, руҳий олам тарбияси, одамийлик шеvasидан сабоқ бериш бўлган соҳани эрмак деб тушуниш, эрмак воситаси даражасига тушириш ҳам бориб турган ваҳшийликдир, ўзга бир нима эмас.

“Динни инкор этган одам унинг ўрнини босадиган нарса қидиради, - дейди япониялик донишманд Дайсаку Икэда. – Яратганни инкор этган киши онг, заковат кучига кўр-кўрона бино қўяди. У ўз майлу хошишларига тийиксиз эрк беради, уларнинг амрини бажариш учун фан ва техникани тез ривожлантиришга зўр беради.

Факат совук идрокка суяниб иш кўриш инсонни унинг ҳаёти учун зарур бўлган кўплаб қулайликларга етказди, бироқ инсон ўзи аввалгидан озодроқ бўлиб қолгани йўқ. Билъакс, фан ва техниканинг баланд суръат билан таракқий этиши натижасида инсон ўзи яратган нарсаларнинг зулми остига тушиб қолди. Уларнинг қарамига айланди”.

Инсоннинг қалби ва тафаккури у қилаётган ишнинг ортидан ета олмайдиган аҳволга тушиб қолди.



Бобур – дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик хукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан хузур қилишни яхши кўрарди.

Жавоҳарлаъл Неру

Бобурномани китобат қилган қотиблардан бири китоб ниҳоясида асар муаллифини таърифлаб: “Ва фазилат бобида камлиги йўқ эди”, дея таъкидлайди.

Бу сўзларда муболага йўқ – аини ҳақиқатдир.

Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун “Бобурнома”ни кўнгил кўзи билан яна бир қарра мутолаа қилиш кифоя.

Мутолаа сўнггида одамнинг ҳаёли осмон қадар юксалиб, тасаввури бениҳоя равшан тортиб кетиши табиийдир.

Хайриддин Султон

ТАФАККУР ЗАРУРАТИ

Ки эй фалони, бу не разолаттур,
Не жахолаттуру не холаттур.

Захириддин Мухаммад Бобур

I

Токи олам бор, одамзод омон экан, кечагидан баландроқ довларни забт этиш, аввалгидан юксакроқ максадларни амалга ошириш учун кураш тўхтамайди.

Мен ҳамма билимларни эгалладим деган хулосага борган олим, ўзимга етарли малакани ҳосил қилдим деган фикрга келган мутахассис эртага ўз соҳасида четга сурилиб қолганидек, биз тугал тараккиётга эришдик, энди бас деган жамиятда ҳам депсиниш, турғунлик холати юзага келади, буларнинг кейинги босқичи эса бухрондир, инкироздир.

Максад канча улуғ, довлар канча баланд бўлса, меҳнату машаққат шунча вазмин, қаршилиқ ҳам шунга яраша кучли бўлиши табиий. Муаммолар, хатолар, ихтилофлар ана шу зайл пайдо бўладилар.

Парвардигори олам инсонга заковатни ўз олдига қўйган ҳар бир максадни ақл билан амалга ошириш учун, шунингдек, бу йўлда юзага келиши мумкин бўлган қаршилиқ, муаммоларни ақл тарозусидан ўтказиб, тафаккур қилиб ҳал этиш учун ҳам бергандир. Муаммонинг, хато, камчиликнинг ҳал этилиши уни атрофлича ўрганиш, таҳлил қилишдан бошланади.

Тафаккур қилмай, атрофини ўраб турган борлиқ, олам, ижтимоий-сиёсий муҳит, бу муҳитнинг юзага келиш тарихи, шу кунги аҳволи ҳақида, ҳамда ўзининг ички олами, унинг табиқати олам билан муносабатлари, ўзи ва жамият орасидаги муносабатлар ҳақида мушоҳада юритмай бирон бир шахсий ёки ижтимоий муаммони ҳал этиб бўлмайди.



Афлотун ўзининг “Давлат” асарида: “Бизнинг рухимиз (балки, иродамиз, калбимиздир – Л.М.) боқийдир, ва агар биз хамиша роҳи илоҳийдан боргудек бўлсак, ҳар қадамда адолат ва оқиллик тамойилларига амал қилсак, токи ёруғ дунёда эканмиз, ўз-ўзимизни ва яратганининг дўстлари эканимизни унутмасак, ёмонлик ёки эзгуликнинг ҳар қандай синовларига бардош бера олади”, – деб айтган эди.

Ташки олам, ижтимоий муҳит ва ўзининг руҳий-ижтимоий аҳволи ҳақида тафаккур қилишдан маҳрум этилган одам ночор, онгсиз, кадрни паст қулга, Чингиз Айтматовнинг даҳоси яратган образ – манкуртга айланади.

Яна Дайсаку Икэдани суҳбатга тортсак, у шундай деган бўлур эди: “Ўз-ўзини мушгазам таҳлил этиш хамишаги эҳтиёжга айлашни керак. бу инсоннинг кадр-кимматини ташкил этган асосий унсурлардан биридир... Ўз кадрини билган одам “бегона”ларнинг мақсад ва амрларига бўйсуниб яшамайди”.

Ўзи ҳақида, ҳамда ўзининг жамиятдаги, дунёдаги ўрни ҳақида тафаккур қиладиган одам жамиятни ривожлантириш учун ҳам, унинг олдида турган муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам, азбаски, ўзини рўёбга чиқариш учун ҳам хамиша йўл топади. Бундай одам Икэда айтганидек ўзини хор қилдириб қўймайди, бунга унинг юксак маънавияти йўл бермайди. Бундай одам ҳеч қачон ноумидликка бормайди. Энг оғир шаронгда ҳам вазиятни тўғри баҳолай олади ва уни ҳал қилиш чораларини ўйлайди. “Ноумидлик – шайтондан” деган тамойил бор динимизда. Қани энди, жамиятда ана шундай фаол ва теран тафаккур соҳиби, руҳи бедор, адолатталаб, тараққиёт “мотори” граждандар кўпрок бўлса! Фуқароларининг аксарияти тафаккурдан маҳрум жамиятнинг истикболи маънавий инкироз ва ижтимоий бухрондан бошқа бир нарса эмас.

Аслида, тафаккур қилиш, ўз ҳаёти, оиласининг аҳволи борасида, иш фаолияти ҳақида, ҳамда ўзи яшаб турган олам ва жамиятнинг аҳволи хусусида фикр юритиш инсон тамойилида бор хусусиятдир.

Мутолаа маданияти, ўтмиш ва замонавий давр мутафакқирлари,



ёзувчиларнинг асарларида мужассам ўлмиш фикрлар, ҳикматли хулосаларни ўқиш, ўрганиш эса тафаккурингизни янги босқичларига кўтарди, аниқ, тўғри хулосаларга етишингизда, қарорлар қабул қилишингизда ёрдам беради.

2

Чингиз Айтматовнинг турли даврларда эълон қилинган суҳбатларида айнан шу фикр таъкидланган эди: “Ҳозирги одамларни адабиётдан телевидение, интернет, турли-туман томошалар чалғитмоқда. Улар адабиётнинг овозини бўғиб, даврадан четга суриб қўяётирлар. Мен юксак жиддий адабиётни назарда тутмоқдаман. Такиқ чегаралари қулагач, ғарб бизни сифати ҳаминкадар, хом-хатала “асарлар” билан керагидан ортиқтаъминлаб бўлди. Бозор иктисодиёти ҳам ўқувчини жиддий адабиётдан айириб, кўлига кўпроқ енгил-елпи китобларни тутқазаётгани сир эмас. Ҳолбуки, юксак адабиётдан маҳрумлик ҳар қандай шивилизацияни ҳам инкирозга олиб келади. Китоб маданиятнинг мустаҳкам деворидир”.

Бошқа бир ўринда Чингиз ака таассуф билдириб, шундай деган эдилар: “Афсуски, замондошларимиз кўпроқ ғашларига тегмайдиган, безовта қилмайдиган, ўз-ўзларига ҳақ назар, муросасиз назар билан қарашга мажбур қилмайдиган гапларни эшитишни маъқул биладилар.

Уйкуга кетган, мудроқда бўлган иродани яна кўпроқ аллалайдиган “нарсаларни ўқийдилар, кўрадилар, эшитадилар”.

Ҳиндулар ҳақида шундай ривоят бор. Улар хавфли душман истило қилиши мумкин эканлигини билиб ҳеч қачон ухламасликка қарор қилибдилар. Бироқ, бу авлод ўтгач, унинг ўрнига ухлайдиган, кўп-кўп ухлайдиган бошқа бир авлод келибди. Душман ҳам шуни кутиб турган экан, хиндулар заминини босиб олибди. Қиссадан ҳисса шуки, мудроқда, уйкуда яшайдиган тафаккур ва қалб душман учун осон ўлжадир.

Телевидениеда ҳам, кўпайиб кетган газеталарда, радионинг турли тўлқинларида ҳам албатта нияти холис, қалами ўткир, истеъдод-



ли ходимлар бор. Лекин шундайлар ҳам йўқ эмаски, уларни телевидениенинг боскинчи тўдалари, сарик матбуотнинг кўнгли қора, шумният ғоратгирлари, радионинг бемаза, чучмал, суюқ, саёз малайлари дегинг келади.

Мумтоз адабиёт ва санъатнинг даврадан суриб қўяётганлар, маънавият ва маданиятга хизмат қилишнинг ўрнига ўнгланиши жуда мушкул кечадиган зарар етказаётганлар шулардир.

Бу хил арзон тошлар зар қосани синдирмок пайида юрадилар, лекин маълумки, бундан на зарнинг қадри тушади ва на тошнинг нархи кўтарилади.

3

“Нигилизм”, “нигилист” деган атамаларни эшитгансиз. Жамиятга хос кадриятлар, идеалларни, адаб қоидаларини, маданиятни тан олмайдиган, инкор этадиган кишиларни шундай деб атайдилар. Файласуф Мераб Мамардашвилининг фикрича нигилист инсоний киёфасини, тафаккур қилиш, шу асосда уриниш, интилиш қобилятини йўқотган одамдир.

Хуш ул бурунки, замонлар ўтди-ю борди,
Хуш ул кишики, замонларни яхши ўткарди.

дейдилар Бобур Мирзо.

Биз ўзимиз яшаётган давр учун тарих олдида, аждоду авлодларимиз олдида, Парвардигори олам олдида жавобгармиз, масъулмиз. Кўздек азиз ватанимизни, ёруғ дунёни аждодларимиздан қай аҳволда қабул қилиб олгандик? Умримиз давомида халқимиз ва башарият олдидаги қайси муаммоларни ҳал эта олдик? Юрту оламини авлодларимизга қай аҳволда топшираимиз?

Муаммосиз жамият йўқ. Муаммолар у ёки бу даражада, кўринишда ҳар қандай жамиятда ҳам мавжуд, муаммо бор экан,



кайси бир соҳадаги ишлар кўнгилдагидай бормаётган экан, кенгашиш керак, тахлил килиш керак, ҳал этиш йўлларини топиш керак. Ва бу кенгашлар, тахлиллар жараёнида жамият аъзоларининг барчаси фаол иштирок этмоклари зарур.

Фуқаролари тафаккур қилмайдиган. ёки улар тафаккурининг меваси ўлмиш фикрлар эшитилмайдиган жамиятда ҳасрат бўлади. полиш, гийбат, миш-миш бўлади, бироқ мулоҳазани, таклифни, гоёни эшитмайсиз. Ҳамма норози, ҳамма кўриб турибди – ишлар кўнгилдагидай эмас. Лекин кимса айтмайди, бундай қилайлик, мана бу ерни ўнглашнинг тадбири мана бу, демайди. Таклифлари, гоёларининг йўлини манфаатпарастлик тўсган, мулоҳазалари инобатга олинмаган фуқаролар тобора кичкинароқ, ундан ҳам кичкинароқ одамчаларга айланиб бораверадилар. “Мен ким бўлман? – дейдилар улар. – Менинг қўлимдан нимаям келарди! Бу ҳақда ана – раҳбарлар ўйласинлар”.

Тўлақонли, бутун, дадил, шижоатли, гапани атрофдагилар эшитадиган, таклифи “жон” деб қабул қилинадиган фуқаролар камайиб кетган жамиятда ҳам тараққиёт бўлмайди.

Тафаккур қила бошлаган одам ўзини жамият ва дунё олдида масъул билади. “Мен кимман ўзи?– дейди у. – Менинг феълусажиям, аҳволим нечук? Мен яшаётган дунёда, жамиятда нима гаплар бўлаяпти? Нега бу шундай, лекин нариги бундай эмас? Ана шу камчилик, шу хатони ўнглаш учун мен нима қилдим-у, бундан кейин нима қила оламан?”

“Олам сенинг остонангдан бошланади”, - дейди донишмандлардан бири. Бошқа бири айтадики: “Бугунги дунёни биттагина одам сақлаб қолиши мумкин, ўша одам – сенсан!”

Қайсидир руҳоний ёруғ дунёни ўзгартирмокчи бўлибди, лекин дунё жуда кенг ва муаззам экан. У мамлакат микёсига тушибди, аммо мамлакатни ўзгартиргани ҳам ожиз эканлигини тушунибди. Шу тарика, имкониятларини чамалай-чамалай ўзи яшаётган шаҳарни, ҳатто ўз оиласидаги муҳитни ҳам ўзгартира олмаслигига акли етибди. Шунда у ўзини ўзгартаришга қарор қилган экан.



Агар ҳар-бир одам ўзини ўзгартирганда, ўзини кечагидан баркамолроқ қилишга уриниб яшаганда эди, оилада ҳам, мамлакатда, бутун оламда ҳам мусбат ўзгаришлар албатта юз берган бўлур эди.

Инсон оламни билиши, ундаги жараёнда фаол иштирок этиши учун остона хатлаб ташқарига чиқиши керак бўлганидек, унинг заковатида етилган-сараланган ноёб фикрлар, мулоҳазалар, тафаккур ҳосиллари ҳам эркин изҳор этилиши, эътибор билан тингланиши, инobatга, ижрога қабул қилиниши керак.

Тафаккур қилаётган инсон ўзини маълум бир жамиятнинг аъзоси, балки бутун дунёнинг, борликнинг, инсоният тарихининг узвий бир қисми – тарихий воқеа деб ҳис этади. “Инсон тарихда яшайди”, деганида Пастернак домла айнан шуни назарда тутган эди.

Қолдики... Юкорида тилга олганимиз файласуф Мераб Мамардашвили “Инсон ҳақиқий инсон бўлиш учун доимий интилишда яшайдиган хилқатдир”, деб айтган эди. Бу ҳудди Паскальнинг муҳаббат ҳақидаги таърифига ўхшайди: “Муҳаббатнинг ёши бўлмайди. Муҳаббат ҳамиша дунёга келиш жараёнида яшайди”.

Мамардашвилининг мулоҳазасини инсон доимо ўз номига муносиб бўлиши учун мунтазам ҳаракат қилиб яшаши керак деб тушуниш керак, албатта. Бирок, файласуф бу билан каноатланмайди: “Инсон, – дея таъкидлайди у, – шаклланиш жараёнини бошдан кечириб яшайдиган хилқат. Ҳар қандай тарих эса инсоннинг инсон бўлиш йўлидаги уринишлари тарихидир”.

Поль Валери таърифи билан айтганда, инсонда ҳали тугал, тўқис инсон йўқ. Инсоннинг асосий қисми ундан ташқарида, шунинг учун инсон жуда машаққатли ва жуда узок давом этиб келаётган меҳнат қамдир.

Шаксиз, бу меҳнат ҳам тафаккурнинг меҳнатидир. Салафлари меҳнати ҳосилни ўрганиш, уларнинг изланишларини давом эттишидир.



Бобур инсон ва унинг гўзаллигини, севги, садокат, вафо, дўстлик каби инсоний фазилатларни улуғловчи, эзгу интилишлар ва орзуларни тарғиб этувчи гўзал асарлари билан, она юртга муҳаббат, ватанпарварлик ва ҳаётсеварлик ғоялари билан, ўқувчига завқ-шавқ бахш этувчи юксак бадиий санъаткорлиги билан адабиёт тарихидан ўрин ола билди.

Абдурашид Абдуғафуров

Муболағасиз айтиш мумкинки, Бобур ўз давридаги бир неча фан соҳасида ўзига хос ўрин эгаллаган буюк алломадир. “Бобурнома” билан фаннинг бир қанча тармоқларини тараққиётнинг янги босқичига кўтара олганини далилловчи манбаларга эгамиз. Бобур Мовароуннахр, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон географиясининг табиий жараёнларини туркий тилда илк бор ёзган олим ҳисобланади.

Зокиржон Машрабов, Собиржон Шокаримов



БОБУРНИ ТУШУНИШ БАХТИ

Эй ел, бориб ахбобка номимни дегил!
Хар ким мени билса бу паёмимни дегил!
Мендин демагил гар унутулгон бўлсам,
Хар кимки, мени сўрса, саломимни дегил!

Захириддин Муҳаммад Бобур

Алкисса, бизнинг қатъий фикримизча, миллатнинг асосий хазинаси, бош бойлиги бўлган ноёб маданиятимиз намуналарини, ала-хусус, мумтоз адабиётимизга мансуб асарларни ҳар биримиз мукамал билишимиз, бунинг учун кунт, ҳавас билан, севиб ўрганишимиз зарур. Шукурлар бўлсин, биз ушбу ниятда ёлғиз эмасмиз.

Зарургина эмас, шартдир бу. Муқаддас бурчдир.

Нимагаки, асосий бойлиги эътиборсизлик, бекорчилик, калтабинлик ила бой берилар экан, миллатнинг ўзи омон қоладими? Яшай оладими?

Бу бойликдан бебаҳра бойдан кўра кашшоқроқ ҳечким йўқ бу дунёда... Таассуфки, нафақат бизнинг юртимизда, балки бутун дунёда ҳам, агар ким қайси йўл биландир ҳалол-ҳаром мол-мулк тўплаб, бой бўлган эса ҳурматли саналмиш одамга айланиб қолди.. Адабу икром, илму маданият борасида маймундан сал нарироқ кетган бўлса ҳам майли. лекин бой. Алмойи-алжойи гапирса ҳам майли, сўкинса ҳам – ҳурмат қилавериш керак.

“Молдор нодоннинг демаги – тилла пашшанинг емаги”, деганлар Алишер Навоий “Маҳбуб-ул қулуб”да.

Бу аҳволда ўрмондан энди чиққан, тоғдан ҳозиргина тушиб келган ёввойиннинг ҳам елкасида бир хуржун тилласи бўлса ҳурмат қилинаверадиган кунлар келмаса эди.

Бой бўлиш албатта айб эмас, ҳаром топиб, ҳеч нарсани юз-хотир қилмай бой бўлиш айбдир, бойликни санамга айлантириши



айбдир. “Олтин кўшинни қўйлар подасига айлантирди”, деган эди Марк Аврелий.

Ушбу хазина дурдоналари кўнгил мулкига айланмаган, ундан фойдаланишни билмайдиган кишини олий маълумоти ҳақида тўртта дипломи бўлса ҳам зиёли деб ҳисоблаш мумкин эмас. “Расман маълумотли ҳисобланганлар орасида ҳам маънавияти кашшок одамлар учрайди”, - деган эди Бунин.

Фукарolari ушбу бойликдан бебаҳра, демак, маънавияти, маданияти ноқис бўлиб қолаётган жамиятда тараққиёт бўлмайти ёки бундай жамиятлардаги тараққиёт ҳам ноқисдир, айбидир. Бу хил тараққиёт ҳақсизлик, адолатсизлик, зулму зўравонлик ила бунёдга келади. Унинг тараққиёт топгандан кейинги иш-аъмоли ҳам ҳақсизлик, зулму зўравонлик бўлади.

Бу борадаги мулоҳазаларимизни фаранг мутафаккири Блез Паскальнинг мана бу фавқулodда кескин фикри билан яқунламоқ маъқул кўринади: “Агар уч юзта зиёлини бой берса, Франция ўзи ҳам барбод бўлади”.

Асл зиёлининг кадри шу қадар юксакдир, унинг ўрнини ҳеч нарса билан босиб бўлмайди.

2

Бизни эшитиб турган ёшларнинг каро кўзларида шундай саволни кўрамиз: “Сизлар ҳар қадамда булар мумтоз маданиятни унутган, мумтоз адабиётни ўқимайди, Навоийни билмайди, Бобурни билмайди, деб маломат қиласизлар. Лекин, ахир мазкур асарларни биз тугул катта-катта одамлар ҳам, баъзан устозларимизнинг ўзлари ҳам тушунавермайдилар. Битта байтнинг, битта сўзнинг устиде тортишиб қолганларини кўрамиз. Мумтоз маданиятни, адабиётни мукамал билиш бурч деясиз. Лекин, ўқисагу, тушунмасак нима қилайлик?”

Укажон, сингилжон, айланай сизлардан!

Шундай саволни туғилганининг ўзи муҳим. Шундай савол туғилган экан, умид қиламанки, айтганимиз бебаҳо бойликни ўрганиш, ўзлаштиришга азм этгансиз. Хавзи кавсардан оби ҳаёт



нўш этмоқ ниятингизга айланган. Шунинг ўзи бу йўлда кўйилган яна бир кадамдир. Дастлабки кадамлар эса болалик чоғингиздаёқ-оилада, болалар боғчасида, сўнгра турли билим масканларида кўйилган: улуғларимиз номларига мансуб кичикрок шеърларни ёд олиб, “ифодали” ўкиб бергансиз. Уларнинг ҳаёти ва ижоди хақида устозларингиздан сабоқлар тинглагансиз.

Бу адабиётни албатта тушуниш мумкин.

Факат айтганимиз зарурий бурч мен мажбур эканман, ўрганишим шарт экан деган фикр-туйғу устига эмас, юракдан англаб етилган эҳтиёжнинг, муҳаббатнинг устига қурилса яхши. Ўзингиздан қолар гап йўқ, қайси ишни муҳаббат билан. суйиб адо этилса осонроқ кечади, самаралироқ бўлади. Бундай иш кийин бўлса-да, чексиз ҳузур ва қаноат бахш этади. Мумтоз маданият намуналарини ўзлаштириш ана шундай кийин, лекин чексиз-чегарасиз завк-шавқ, ҳузур бағишлайдиган амалдир.

Аслида, “қийин”, “мураккаб”, “қаттиқ меҳнат қилиш керак” деган гап-сўзларни айтиб, Сизни қўрқитмаслик даркор эди. Бу гап-сўзлар дарсларда, учрашувлар, давраларда тез-тез керак-нокерак ишлатилдики, натижада боланинг руҳиятида ишончсизлик, тарддуд, иккиланиш ҳосил бўлади. Билаёқ, бизнинг вазифамиз, айниқса билим масканларида ишлайдиган устозларнинг вазифаси ана шу муҳаббатни шакллантириш, мутолаанинг ҳузур, қувонч топа билиш, завқ ола билиш малакасини пайдо қилишдир.

Менинг Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби, ёки Ибн Сино, Фаробий, Фарғоний, Имом Бухорий каби боболарим бор, мен улар билан фахрланаман дейиш осон, бундай дейишни эплайпмиз, худога шукур. Хўш, уларнинг буюклиги нимада, боболаримиз ижодига мансуб асарларнинг гўзаллиги, нафислиги, яъни кўнгилга завқ берадиган, қувонч соладиган, руҳга қанот бахш этадиган жихатлари қайда-ю, умр бўйи дастур бўладиган ибратли, ўрнакли томонлари нимада?.. Бола, агар устоз ёрдамида мумтоз адабиёт ва санъатдан завқ олиш, қувонч туйиш, ибрат-ўрнак топишни ўрганса бу адабиёт ва санъатга нисбатан муҳаббат ҳам ўз-ўзидан ҳосил бўлади.



Оилада ҳам. Бола ёш экан, онасининг аллаларини эшитади, са аклини танигандан кейин унга шеърлар, эртаклар ўкиб берами: Бола мустакил ўқишни ўргангач, ўқитувчиси билан маслахатлашга холда, ўкиб чиқиши албатга зарур китобларнинг рўйхатини тузи бериш, шу китобларни топиб ўқиши учун қулай шароит яратиш зэрур.

Таниқли журналист, маданиятимизнинг толмас жонкуяр Аҳмаджон Мелибоев то ўрта мактабни битиргунча мингта кито ўқиган экан. Наманганнинг “Пешқўрғон” қишлоғида яшайдига шоир Оташ Холмирзаевнинг адабиёт устози ўз ўқувчиларига ҳа йили элликта шеър ёдлашни вазифа қилиб қўяр экан. Оташ аканин кўнглида шеърятга меҳр ана шу йўсинда пайдо бўлган, у қайсида йили устози берган топширикни адо этиш билан бирга Ҳамид Олим жоннинг “Зайнаб ва Омон” достонини ҳам тўла ёд олади.

Маданий код, яъни маданият, маънавият, зиёлилик каби фазила ларни ташкил этувчи унсурлар тизимига шу тарика асос солинади

Кўнглида мумтоз меросимизни ўзлаштиришга рағбат сезиб, ё эзгу ишга астойдил бел боғлаган акли, бахтли ёшлар ушбу бўсто ахли билан албатга тил топишиб кета оладилар. Фақат муқова ата миш дарвозани очиб ичкарига кириш яхши одатингиз бўлсин. Мў тафаккир муаллим Сухомлинский айтганидек, шундай китобла борки, уларни ҳар куни қўлга олиб варақлаб кўрмок керак.

Дарвоза хатлаб ичкарига киринг эди...

Камолоти беғубор инсоннинг ҳамсуҳбатига, дилдошига, ма лакдошига айланасиз, юрагининг уришини, фикри дарёсининг ш вуллашини эшитасиз. У ёзаётган ғазалига, достони ёки тарихини навбатдаги фаслига нукта қўйиб ўкиб беради Сизга. Донишмаъ билан, ёвқур жангчи, сеҳргар хунарманд, гўзаллик ижодкори шоъ билан ёлғиз қоласиз.

Сал нарига борсангиз, бир тўп дугонаси билан келаётган Лайл ни учратасиз, у Сизга салом бериб ўтиб кетади.

Шунча билим, шунча хунар ўрганган, ҳар жиҳатда баркамол й гит Фарход ўз камолоти сирларини сўйлайди.



Ватан ва миллат ҳақидаги, бутун бу ёруғ олам ҳақидаги тасаввурингиз, фикрларингиз кенгайди.

Кўнглингиз поклик ва нафислик билан ораста бўлади, тафаккурингиз самовотни кучмоқ истаб интиланганини, кучоғини тобора кенгрок очаётганини ҳис этасиз.

Сиз энди кечаги, аввалги кунги, бир соат аввалги одам эмассиз. Бахтироқсиз азиз дўстим. Устоз Ваҳоб Раҳмонов айтганларидек, Бобурни, Навойни тушуниш, мумтоз адабиётни тушуниш файзу фароғатдир, чексиз-туғалмас бахтдир. Шунинг учун, мумтоз адабиётимизни ўқиб билишингиз шарт деб зиммангизга мажбурият қўяр эканмиз, Сизни бахтли бўлинг дея мажбур қиялдимиз.

Ҳар куни, такрор-такрор киринг, ана шунда бўстон аҳлининг тилини тушуниб кетасиз. Улар жудаям англаб бўлмас тилда, айтишлик бугун ўрганаётганингиз хорижий тиллардан бирида гапирмайдилар. Ўзимизнинг ўзбекчада сўзлайдилар. Фақат орада гоҳ олисроқ, гоҳ якинроқ масофа бор, қайсидир сўзлар муомаладан чиққан, ўрнини бошқалари эгаллаган. Бирок, муҳаббатга масофа нима эмиш!

Бўстон аҳли Сизга дўст бўладилар, ўз бўладилар. Чунки улар Сизга дўст бўлиш учун дунёга келганлар, яратилганлар.

3

Классик адабиётнинг табдил қилинган, насрий баёнлар, шарҳлар, луғатлар билан нашр этилган нусхалари мавжуд, улардан албатта фойдаланинг.

Гарчи бу ҳақда замонамиз олимлари фикрлари турличадир. Муҳтарам домла Ваҳобжон Раҳмонов бундаё китобларни “жилд-жилд” босиб чиқарган билан кўпчилик тушунмаса, бу халққа ҳеч нарса бермаслигини айтадилар. “Бу ютуқ кутубхоналар ва навоийхон мингта ўзбек зиёлисининг ютуғи холос”, дейдилар у киши.

Ҳурматли устоз, профессор Абдурашид Абдуғафуров юқоридаги фикрларга ўринли эътироз билдирадилар: “Менинг катъий фикримча, айтишлик, китоб муқовасига Алишер Навоий (Бобур...) ва унинг



йирик маснавий асарининг номлари қўйилиб, китоб ичида насрий баёнчи ёки табдилли амалга оширган шахс матни келтирилиши мутлако ногўгри. Чунки у матн Алишер Навоий (Бобур...) нинг каламидан, диди-юрагидан чиккан эмас”.

Бизнингча, ҳар икки орифу фозилнинг мулоҳаза ва таклифларида ҳам ўринли нукталар бор. Ваҳоб аканинг илмий, насрий, ҳаттс шеърий асарлари, дostonларини ҳам табдил қилиб чоп этиш фикрини, ҳа, шу йўл айна маъқул дея олмаймиз, бироқ, насрий баёндан мутлако воз кечиш ҳам мумкин эмас.

Рост, бу Навоий ёки Бобур бўлмайти, ўзига хос, бетакрор, ба-назир нафосат, сир-сехр, жозибага путур етмай қолмайди. Бироқ, ҳеч бўлмаса мазмун етиб боради-ку... Буни ўқиш ҳам ёшларимизга улкан хайратлар, теран билимлар, маълумотлар, қутилмаган, гўзал коллизиялар. ибратлар ато этади.

Абдурашид Абдуғафуров насрий баённинг жуда маъқул варианты таклиф қиладилар: “Мен ўтган асрнинг қирқинчи йилларида устоз Айний ва Гафур Гулом тутган йўллари тиклаш тарафдориман. Улар “Ҳамса” дostonларини нашр этишда китобнинг бир бетида аслиятни ва унинг қаршисида изоҳ-талқинни берганлар. На-тижада китобхон улуғ шоирнинг ўз сўзлари билан битилган байтни ҳам ўқиган, унинг услуби ва оҳангини ҳам, таъбир жоиз бўлса, нафас уриши ва хидини ҳам идрок этган, ўқувчи шу оннинг ўзида ўша байт муқобилида берилган талқинни ҳам ўқийди, мутахассис такдим этаётган мазмунни ҳам қабул қилади ёки рад этиб ўзи байтдан англаган тушунчада муқим қолади”.

Насрий баён мумтоз адабиётни тушуниш малакасини ҳосил қилиш йўлида бир босқич бўлгани билан зарур. Ўқувчи, китобхон астойдил бўлса, унга юқорида қайд этилганидай ўқув, маҳорат ва сабр билан ёрдам берилса, бу босқични маълум муддат орасида босиб ўтади ва пироварди улуғларимиз билан учинчи киши аралашувисиз мулоқот қилиш, суҳбатлашиш бахтига сазовор бўлади.

Фақат бунинг учун “китобга қайтиш” керак.



Мутолаа килиш кўникмасини хосил килиш керак. Албатта, албатта. Қўлга қалам олиб, ўқиш давомида туғилган мулоҳазалар, тушунчалар, билимларни, ғояларни дафтарга оҳиста, чиройли хат билан ёзиб мутолаа қилиш даркор.

Бобур ғазалларининг асосан кўпчилиги шаклан етук, бадий жихатдан баркамолдир. Халк жонли тилидан кенг фойдаланган шоир жуда равон, киши дилини китикловчи шўх мисралар битади, эсда қолувчи образлар яратади. Шеърят назариясини, хусусан, аруз қонун-қоидасини бутун нозикликлари билан эгаллаган шоир ғазал ва рубойлари ниҳоятда энгил ўкилади, тингловчига завқ-шавқ бағишлайди.

Абдурашид Абдуғафуров

Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари жаҳон адабиёти дурдоналарига айланди. “Мубаййин”, “Рисолаи аруз”, “Бобурнома” каби ижод намуналари авлодларни маънавий камолотга, юксакка кўтарувчи улуғ бадий чашмалардир. Соҳир туйғуларга, чуқур фикрларга бой лирикаси шоирни дилларга яқин қилувчи қанотлардир.

Иқболой Адизова

БИСЁР ЛАТИФ, БИСЁР ФАРОВОН

Идрокинггу таъбу хушунгга банда бўлай,
Овозу усулу жўшунгга банда бўлай,
Таксим килурда накшларга абёт,
Таъриб била ўқушунгга банда бўлай.

Захириддин Мухаммад Бобур

1

“Бобурнома” унда жамлаб, тартиб берилган маълумотларнинг мукамаллиги, тўқислиги, ўз замони, замондошлари, қадами етган манзиллар хусусида биз авлодларига бағоят муҳим билимларни мерос қолдирган улуғ аждодимизнинг ҳолис ва самимийлиги, яна бундан ўзга беназир фазилатлари билан бир қаторда сеҳрофарин муаллиф тилининг бисёр латиф, бисёр гўзаллиги билан қийматлидир.


Тил бойлиги деган тушунчани ташкил этган унсурлар кўп. Муайян тил хазинасида қанча сўз мавжуд эканлиги бу унсурлар орасида энг муҳимларидан ҳисобланади.

Тилшуносларнинг эшигини тақиллатмай кириб, мажлисларига билиб-билмай аралashiш ниятида эмасмиз. Муродимиз ҳеч хусусга бефарқ қараб ўтиролмайдиган тиниб ўлмас кўнгилнинг дарди-армонию, орзу-истагини изҳор этмок ҳолос.

Бу истаклар қабул қилинар, шундай этилсин деган қарор чиқар деган ҳам умидимиз йўқ, айти чоғда қомил ишончда собитмизки, уларга эътибор бериб қулоқ соладиганлар албатта топилгуси, шундай экан, истак-таклифларимиз қай даражададир амалига етгусидир.

Нима дейди бизим кўнгул, хўш?

У айгадики, ҳазрат Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби





улуғларимиз асалари бол йиғар экан атиргулга ҳам, бошқа гулларга ҳам кўниб заҳмат чеккани сингари, ўз замонлари адабиётда қўлланилган сўзларнинг ҳаммасидан фойдаланганларидан ташкари ўзбекнинг нечта уруғи бўлса, ҳаммасига хос сўзларни, сўз бирикмаларини, макол-матал, хикмат, таърифларни топиб келиб кўшганлар – тенги топилмас бир хазина яратганлар. Буниси кечадан, аввалги кундан қолган, мунинг ўрнига бугун мана бундок сўз чиккан, шуни ишлатайлик-у, кечагисидан воз кечайлик демаганлар. Ҳар бир сўз атойи худо неъматдир. Ҳар жумла агар у хақиқат тарафидан бўлса – салсабилдан бир ховучдир. Демак, бу ўринда исроф қуфрони неъмат бўлади, гуноҳ бўлади.

Шунингдек, азизларимиз мазмун ва туйғуни тўқис, таъсирли ва жозибали изҳор этиш учун зарур бўлганда форсий, арабий сўзлардан ҳам истифода этганларки, у замонлар, масалан, араб тилини ўзини саводхон, илми бор киши деб ҳисоблаган ҳар одам билгич эди: мукаддас китобимиз “Қуръони Карим” шу тилда, муборак ҳадислар, яна оятларни тўтиқушдай ёдлаб олиб такрорлаш эмас, маъносини тушуниб, амал қилиш динимизнинг шартларидан бири.

Арабий, форсий сўзлардан анча-мунчаси аллақачон ўзбекчамизга қўшилиб, ўз бўлиб кетган – илмий, бадиий адабиётда, турмушда хизматини ўтаб юрибди, тилни тозалаш тарафдорларининг уларга муносабатлари қандай эканлигидан катъи назар бу хизматдан ҳам, биздан ҳам айрилмасалар керак.

Албатта, замонлар ўтиши билан қайсидир сўз, бирикма, жумланинг, гапнинг тузилиши, турлари ҳам ўзгариб боради, аввалгиси эскиради, ўрнига янгилари пайдо бўлиб, муомалага қиради.

Бироқ, мана шу жараён ҳамиша ҳам биз истагандай кечадими, тил бойлигимизга, маданиятимизга зиён-заҳмат етмайдиган даражада хушёрлик, эҳтиёткорлик билан олиб бориладими? Пайдо бўлиб адабиётимиз, санъатимиз, нутқимизга аралашаётган ҳар янги сўз, бирикмани кечагисидан афзал дейиши мумкинми? Агар афзал эмас экан, уни бойлигимизга қўшилишига, давраимизга аралашishi-га ҳақи борми?



Афғонистонда ўзбек тилига учинчи тил сифатида расмий мақом берилиши муносабати билан бўлиб ўтган йнрик илмий анжуманда адабиётшунос Бурхониддин Номик айтган гап ёдимдан чикмайди:

- Афғонистонлик ўзбеклар узок вақт давомида ёзма адабиётдан махрум яшадилар. Ҳозир ўз она тилимизда нашрлар чикса ўкий оладиган, тушунадиган одам кам. Биз ёзма ўзбек тилини янгитдан яратишимиз керак. Нимага асосланиб яратамиз уни? Ўзбекистондаги миллатдошларимизнинг “адабийчаси” бизнинг тилимиздан анча фарк килади. Ўзимизда эса ҳар вилоят, ҳар туманнинг ўз лаҳжаси, ўз шеваси бор.

Номик домла ана шу мулоҳазалардан келиб чиккан ҳолда Афғонистонлик ўзбекларнинг ёзма адабиёт тилига мезон килиб Бобур асарлари тилини олиш керак деган таклиф киритди. Ўшанда ушбу таклиф тўла маъқулланди демайман, бутун бошли ёзма адабиётни тиклаш, шакллантириш ўта мураккаб жараён, бу ҳақда ҳар бир олим, мутахассиснинг ўз фикри, таклифи бор эди. Шундай бўлса ҳам домланинг истаги эътиборсиз олгани йўқ. Кўпчилик Мирзо Бобур асарлари, алалхусус, “Бобурнома” тилини мезонлардан бири сифатида назарда тутмоқ, ундан амалий фойдаланмоқ адабиётга зарур деган тўхтамга келдилар.

Бу воқеани эслашимизга сабаб, биринчидан, миллатдошларимизнинг орадан беш юз йил мўлрок вақт ўтганига карамай, Бобур-мирзо тилини хануз замонабоп деб билганларини таъкидламоқдир.

Иккинчи сабаб, бизнинг замонавий матбуот, адабиёт ва оғзаки нуткимизда афғонистонлик ўзбекларни чўчитган хусусларнинг, кусурларнинг дарҳақиқат мавжудлигини тан олмоқдир. Барча қозонганларимиз, топганларимиз, етганларимиздан қатъи назар тилимизнинг бузилган ўринлари ҳам йўқ эмас.

Ўзбек тилининг 1981 йилда нашр этилган изоҳли луғатини олиб вараклаган қора кўзки бор фикримизга ҳатман исбот топади. Қатор-



қатор тизилиб туришибди ножинс, бегона сўзлар: вестибюль, ветеран, ветеринар,... Ҳатто “верстка” сўзининг ҳам ўзбекчаси топилмаган экан, ота-боболаримиз ахир минг йилдан бери китоб нашр этиб келганлар, саххофлик кўп қадим хунар, китоб саҳифалаш шуларнинг иши эди. “Взнос”, “виговор”, “винтовка”, “включатель”... Тўғри, буларнинг аксарлари ёзма адабиётдан ҳозир бадарға бўлди, лекин оғзаки нуткимизда бор, ўралашиб юрибди.

Ушбу оқибатнинг сиёсий таъинк, миллий маданиятга қарши истило, адабиёт ва санъатни шаклан миллий, мазмунан социалистик қилиш деган иддаолар туфайли юзага келганини таъкидламоқ истардик.

Каминага аён: Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб замонларидаги, ҳатто Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон асарлари тилини ҳар қанча латиф, гўзал бўлмасин, ҳозирги замон адабиётига тадбик қилиш, кундалик муомалада қўллаш амали мушкул орзу.

Бироқ бу исроф эмасми?

Шунча илоҳий даҳо, ноёб истеъдод, комил иқтидор томонидан минг йиллар давомида олиб борилган изланиш меҳнат натижаси ўлароқ жамланган бебаҳо бойлик, тенгсиз хазинадан ҳозир ҳеч ким бу тилда гапирмайди деб воз кечиб юборавериш тўғрими?

Шундай хазина бор, турибди, биз эса яқин-яқингача милтиқни, тўфангни винтовка, ҳайфсанни, танбехни виговор, ўчиргични выключатель деб келган эдик, энди мундайроқ дўконни “мини маркет”, каттароғини, бозорни “супермаркет”, савдо-сотик таҳлили, бозорни ўрганишни “маркетинг” деб атаяпмиз, бундай мисоллар керагича топилади.

Дуруст, биз ҳар гал адабиётимизни мутолаа қилар чоғимиз бу бойликдан баҳраманд бўламиз, кўнгул зангори равшан бўлади, бу зангор бағрида янги-янги юлдузлар пайдо бўлганини хис этамиз, ҳайратларда қоламиз.

Лекин, бу кам, хатман кам! “Гўзаллик унга назар солаётган кинининг кўзиндадир” дейди Сукроти ҳақим. Гўзаллик мавжуд бўлса



ю, унга “томоша кўзи юборилмаса”, кадрига етилмаса бу жараён содир бўладими? Гўзаллик кўзимизда акс этсин, кўнглимизга тушсин, унга накш боғласин.

Фикри ожизимча, адабий жараёнда ҳам, вақтли матбуот, радио, ойнаи жаҳонда, театр-томошалари, турли маданий мажлисларда ҳам мана шу бойликдан кенгроқ истифода қилиш, сўзлар, жумлалар, муқоясаларни, шеърини парчаларни ўрнини топиб ишлатиш фақат фойда бўлур эди. Шундай қилинса, тилимизни кашшоқлашиб боришдан саклаймиз, билъақс, уни кундан-кунга, йилма-йил, замондан замонга бойроқ, рангинроқ бўлишига замин яратамиз.

Санаб ўтилган соҳаларда кўпроқ ишлатилса, бу инжулар, гавҳарлар ўзаро суҳбатларимизга ҳам кириб келиши, бунисининг ҳам бойитиб бориши шубҳасиз.

3

Захириддин Муҳаммад Бобур асарларида шундай гўзал, дилбар, нурли сўзлар, жумлалар, сифатлаш, феъллар борки, эскирган дега-ни тилинг бормайди. Улардан замонавий маданият ҳеч иккиланмай фойдаланмоғи мумкин.

“Бобурнома”ни варақлайлик.

“Сўнгра ахли мажлис бирин-кетин келдилар”, - деб ёзди-лар Мирзо. Ушбу ҳолатни ҳозир қандай таърифлаган бўлар эдик? Балки... “Кейин мажлис иштирокчилари (катнашчилари) битта-иккита бўлиб келишди” шаклида ёзилар. Қалами чапдастроқ қайси қаламқаш эҳтимол шинамроқ, кўркемроқ жумла туза билар. Ҳар нима бўлганда ҳам ифоданинг Бобур Мирзо тузган тури ҳам яшаш-га албатта ҳақли.

Кўнглининг бир таманноси, истагини дилбар шоиримиз “Суҳбат тутар ҳаёлим бор эди”, дея изҳор этадилар. Ҳозирда шундай мурод, истакни, “Фалончи билан бир суҳбат қилмоқчи эдим”, деб билдира-миз, “Суҳбат қилиш ниятим бор эди”, “Гаплашиб ўтирмақчи эдим”, деса ҳам бўлар. Менимча, буларнинг бирортаси Бобури азиз айт-



ганларидай чиройли эмас! “Сухбат турар хаёлим бор эди...” Э, байбай!

Андижон шаҳрига кирадиган сув ҳақида: “Тўккиз тарнов сув кира-рар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас”. Ҳозир бу мазмуннинг ифодаси қандай бўлади? “Қизиғи буки, шуниси ажойибки... Диккатга сазовор жойи шундаки, шу сув ҳеч қайдан чиқиб кетмайди” тарзида айтилар. Ёки, шаҳарга кирган сувнинг ҳеч қайдан чиқиб кетмаслиги ажойиб дейилиши мумкин. Нима бўлганда, қандай айтилганда ҳам Бобур Мирзо келтирган таъриф ҳам муомалада юраверишга икки юз фоиз ҳақлидир.

Уш шаҳрига берилган зариф таърифлар қаторида “Кўрғоннинг шарқи-жанубида бир мавзун тоғ тушубтур”, деган жумлага дуч келамиз, ҳудди шу “тушмоқ” феъли асарнинг бошқа жойларида ҳам зебо тус, кўринишда учрайди: “Қобил вилояти тўртинчи иклимдиндур. Маъмуранинг ўртасида тушубтур”.

“Балх ва Қундуз ва Бадахшон била Қобул орасида Ҳиндиқуш тоғи тушубтур”.

Замонавий тилда ушбу мазмунлар “Кўрғоннинг шарқи-жанубида кўркамак бир тоғ мавжуд” шаклида, ёки “кўркамак тоғлар қад кўтарган” тарзида битилса эҳтимол. “Тушубтур” феъли кам ишлатилади. Агарчи, халқ орасидаги суҳбатларда бу сўз бот-бот кулоққа чалиниб туради. Яхши иморат ҳақида “Бир бино тушибди” ёки “Дарёнинг устига кўприк тушибди” деб кўядилар.

Ишқилиб, шу сўзда бир сеҳр, тилсим, хатто субҳоний қудратга ишора бордай.

Конибодом шаҳри номини муҳтарам Мирзо “Кандибодом” тарзида айтадилар. Ҳозирги номи мазкур шаҳарнинг бодомлар қони, бодомзор манзил экани ҳақда сўзласа, Бобур жаноблари айтган ном эса у ерларда бодомнинг асли, яхшиси, қанди воқе эканлиги ҳақда хабар беради. Энди, мана бу жумлага эътибор беринг:

“Бодоми яхши бўлур... Бу жиҳаттин бу исмга мавсумдур”.

Биз “мавсум” сўзини асосан фасллар, даврларга нисбатан ишлатамиз: “Баҳор мавсуми”, “Пишиқчилик мавсуми”, “Ёшлик мавсуми” сингарин...



Холбуки, 1993 йилда нашр этилган “Алишер Навоий асарлари учун кискача луғат”да мавсумнинг асл маъноси “номланган”, “аталган” эканлиги айтилади. “Мавсум бўлмок”, “мавсум эрмок” эса аталмок, номламок маъносида келади. Биз фаслларга нисбатан қўлаб келаётганимиз сўз эса “мавсим” шаклида ёзилар экан.

Юқорида китоб берган маълумот шундай... Бу ҳам бир аниқлик киритиб қўйилмоғи зарур масаладир. Ҳирот шоирларидан мавлоно Ҳилолий хақида маълумот берар экан, Мирзо Бобур яна шу сўздан фойдаланадилар: “Бир маснавийси бор, “хафиф” баҳрида, “Шоҳ ва Дарвеш”га мавсум”.

Бобур Мирзо қўллаган сифатлар, сифатлашлар, муқоясалар ҳам таъриф қўлини кўксига қўйиб таъзим киладиган чиройли, ҳам кўнгили “кайда бугун бу сифатлар”, дея таассуф чекадиган ноёбдир.

Ўқинг-да, ҳузур килинг:

“Бинафшаси бисёр латиф бўлур...”

“Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур. калин лола ва гуллар очилур”. “Калин” сифатининг ўзиёқ кўз ўнгингизда тоғ ён бағрлари, кирларни тўла-тўкис коплаб очилиб турган гул-лолаларни намоён килади. Ҳозир ушбу сўзни ҳам лолалар, гулларга нисбатан қўлламаймиз, имконини чеклаб, ўқитиб қўйганмиз.

“Бобурнома” да калин сўзи кўпгина, анча-мунча, талай деган маъноларда келади.

“Алишербек калин нималар ихтироъ килиб эди, ҳар кишиким, ҳар ишда бир нима пайдо килади, ул ниманинг ривож ва равнаки учун “Алишерий”дер эди”.

“Ушбу сўзнинг устида эдимким, боғнинг деворидин ташқари калин отликнинг келур овози келди”.

“Султон Аҳмад Мирзонинг замонида ҳам бек ва бекот калин боғча солдилар”.

“Сафолик боғчалар...” Ҳозир “сафолик” сифати эътиборимиздан хорижда, нега шундай экин?

“Умаршайх Мирзонинг охир замонларида кизил била оқ мав-



жлик тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичок дастаси ва такбанд ва баъзи нималар килурлар, хейли яхши тоштур”.

Кизил била ок мавжлик тош... Накадар мухтасар, аник, кўркам таъриф. Тош ичида товланиб турган кизил ва ок ранг кўз олдингизга келади. Мирзо бу ўринда “мавж” сўзини ишлатганларки, ўша рангларнинг ҳаракатда турганини тасаввур этасиз.

Яна “фаровон” сифати бот-бот учрайди:

“Мухтасар вилояттур, ошлик ва меваси фаровон...”

“Меваси фаровон ва бисёр яхши бўлур”.

“Фаровон” сўзини ҳам биз ҳозир кўпрок “тўк”, “тевараги тўкис” маъноларида ишлатамиз – фаровон ҳаёт, фаровон турмуш каби. Ваҳоланки, ушбу сўз “кўп”, “мўл-кўл” сингари мазмунларни ҳам англатади.

“Рубъи масканда Самарқандча латиф шаҳр камдур”.

“Қиши маҳкам совуктур, кори агарчи Кобул корича тушмас...”.

“Маҳкам” сўзи “каттик” деган сўз ўрнида келаётир. Совукни, албатта, “каттик” деб қўя қолиш ҳам мумкин, лекин, “маҳкам” каломи унинг кучлилик, мустаҳкамлик, собитлик каби сифатларни ҳам таърифлайди.

“Маҳкам” сўзини Афғонистондаги миллатдошларимиз ҳам “каттик”, “кўп” маъносида ишлатадилар. “Толиблар” жабридан ҳасрат қилган шнвирғонлик аёл шундай дегани ёдимда:

- Отамни тутиб урдилар, маҳкам урдилар.

Умуман, бугунги Афғонистонда, бошқа Шарқ юртларида яшайдиган миллатдошларимиз ҳам жуда кўп сўзларни, жумла, бирикма, таърифларни бузмай, асл ҳолида сақлаб қола билганлар. Шу жиҳатдан олганда домла Номикнинг Ўзбекистондаги адабий тилдан ҳадиксираганида жон бор.

“Бу аснода ғариб воқеа даст берди...”

“Менга ғариб таъсир қилди”.

“Яна Сайид Бадр эди... Ажаб соҳиб усул киши эди. Ғариб ракс килур эди”.

“Ғариб” сўзи учала ҳолатда ҳам бизнинг замонда деярли



қўлланмайдиган мазмунни ташимокда. Давримиз аҳли “ғариб манзара” дейдилар ва бу билан қайсидир манзилнинг ачинарли, хароб, вайрона холида эканига таъриф берадилар. Кам-кам “фалончининг кўриниши ғариб” деб ҳам айтадилар ва бу ўша кишининг аҳволи забун, мискин, абгор эканлигини англатади.

Бобуршоҳ эса Умаршайх Мирзонинг Ахси кўргони воқе бўлган жардан “кабутар ва кабутархона била учиб”, шунқор бўлганини “ғариб воқеа” атайди. Фожеани, мусибат, йўқотишни шу сўз билан изҳор этади.

Сайид Бадрнинг рақсини ғариб атаганида эса шоир “ажойиб”, “ғайри оддий” деган маъноларни назарда тутган. Сайид Бадрдан кейин Ислим барлос исмли бекка таъриф берилганда ҳам шу сифат ишлатилади:

“Мундоқ ғариб ишлари ҳейли бор эди”, дейилади. Ислим барлос минган отини елдириб кела туриб камон ўқи билан мўлжалга уриш, дарахтга боғланган ва айланиб турган аркон учидаги халкадан камон ўқини ўтказиш каби ҳунарларга соҳиб мерган эди. Демак, ғариб сўзи бу ўринда ҳам барлоснинг фавқулодда ажойиб маҳорати, санъатининг таърифи сифатида ишлатилган.

Замондошлари бўлмиш кишиларнинг яхши-ёмон, ижобий-салбий феълу атвори, табиати хақида хикоя қилар экан ҳам, Мирзо бизим замон аҳли, хусусан аҳли таъбъ эътибори сарҳадидан ҳақсиз хориж қилинган кўп марғуб ва матлуб таърифлар, сўзлардан истеъфода этадилар. Алишер Навоий ҳақларида:

“Алишербекнинг мижози нозик билан машҳурдир...”.

“Алишербек назири йўқ киши эди...”.

“Аҳли фозил ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, харгиз пайдо бўлмиш бўлғай...”. “Муқаввий” арабча сўз бўлиб, “пушти-паноҳ”, “ҳомий” маъносини англатиб келмоқда.

Мирзо Аҳмад Али Форсий барлос тўғрисида: “Агарчи шеър айтмас эди, хуштаъб ва шеършунос ва зариф ва ятимча киши эди”. Англашиладики, Мирзо Аҳмад Барлос ҳам нозик таъбъ, заршунос, сўзга



уста, ҳам ятимча, яъни тўғри, соддадил, очик кўнгил одам бўлган эканлар.

Сайид Юсуф Мажам (ёки Манжам, Мунажжим) хақида:

“Беклик дағдаға ва даъвоси бор эди. Агарчи, ҳеч ким бек қилмайдур, ажаб мунофик ва бепوشна мардак эди”. Мард, биламиз-ки, одамдир. Эркак кишидир. Энди, мардакка келсак, бунинг маъноси “одамча” келади. Сўз таърифланаётган одамнинг бўйи, гавдаси хақида ҳам бораётган бўлиши эҳтимол, лекин кўпроқ унинг шахсияти, табиати хақида эканлиги аниқ. демак беклик иддаоси бўлган, бироқ кимса бекликка муносиб кўрмаган Сайид Юсуф мундайроқ, майда, пасткаш одам ўтган экани маълум бўлади.

4

Шу ўринда бир мулоҳазамиз бор:

Маълумки, Бобур Мирзо ҳаётининг кўп қисми сарсон-саргардонликда, машаққатлар, бесаранжомликларида кечди. Шoir “Замона ноҳамворлиғидин ва даврон носозлиғидин тахт ва мулк ва навқар ва савдодин айрилиб... ҳеч навъ риоياته ва шафқате кўрмадик”, деб ёзганида албатта ҳақ эди. Бундай умр атрофингни ўраган кишиларнинг сарасини саракка, пучагини пучакка ажратиш учун яхши имкондир. Улуғ аждодимиз яхши одамларни қанчалик ҳурмат ва миннатдорчилик билан каламга олса, номард, фосик, хиёнаткор, оқибатсиз кишилар хақида сўзлаганда ҳам ростгўй, самимий ва мард бўлиб қолади.

Ушбуни ҳам таъкидламоқ жоиз: агар Мирзо Бобур шоҳ сифатида қайсидир сотқин, хиёнаткор, оқибатсиз инсонга нафрат билан, авфсиз баҳо берган экан, бунинг сабабини ўша киши йўл қўйган хато, қилган қорни баднинг оқибати нафақат Бобурнинг ўзига, балки у олиб борган сиёсий қураш, демакки, унинг тарафдорлари, ундан умидвор бўлган раият, мардумга ҳам зиён-захмат етқурганида билмоқ керак.



Ва агар, Мирзо Бобур адабиёт ва санъатнинг комил билимдони сифатида қайсидир қаламкаш ёки санъат вакилига юз-хотир қилмай танқидий баҳо берар экан, энди буни абадиёт бўстони бўлмиш ушбу соҳаларни кизғониб, аяб, жон қуйдириб химоя қилиш, асраш истаги билан изохламок зарурдир.

Мана, Боки Чағониёний ҳақидаги таъриф:

“Ҳасис ва замухт ва ҳасуд ва бад ан дарун ва нотавонбин ва кажхулк киши эди.

... Ҳеч ким билан соф эмас эди.

... Ушмунча риоят топиб, асло рози эмас ва шокир эмас эди.”

Юкорида кайд этилганидек, анча кескин, қаттик, бешафкат, лекин рўйи-рост айтилган гаплар, лекин бор ҳақиқат шу. Ҳар бир сўз отилган ўқдек мўлжалга аниқ тегади. Тавсиф мухтасар, лўнда, лекин бир одамнинг хислат-хусусиятлари ҳақида анча аниқ тасаввур беради.

Хожа Абдулло Марворий хусусида:

“Фосик ва бебок эди, фисқнинг шоматидин обила маразига гирифтор бўлур, илик-оёғидин қолиб, неча йил турлук-турлук азоб ва машаққатлар тортиб, ушбу балийя била-ўқ оламдин нақл қилди”.

Мирзо бундан илгари Хожа Абдуллонинг фазилатлари борасида ҳам тўхталганлар. Уни “пурфазойил” атаб, қонун қолғусини бу кишига етказиб чаладиган мохир йўқ эди, деб айтадилар. Марворий, шунингдек, турли хатларни чиройли ёзган хуснихат соҳиби, Баёний таҳаллуси билан шеърлар битган шоир ҳам эди.

Бироқ, унинг нуқсон ва камчиликлари ҳақида ҳам балки афсус, ачиниш аралаш, рўйи-рост маълумоғлар келтирилади.

Алишер Навоий асарлари учун тузилган қисқача луғатда ҳозир ишлатмай қўйганимиз “бебок” сўзининг маъноси “ботир, кўркмас” экани айтилган. Бу сўзнинг, шунингдек, шафқатсиз, адолатсиз, ҳаёсиз деган маънолари ҳам мавжуд. “Балийя, балийят” эса бало, офат дегани бўлади.



Абдулло Маснавийгўй ҳақида айтилган сатрлардан унинг Хотифий тахаллуси билан “Ҳамса”, “Ҳафт пайкар”, “Искандарнома” дostonларига назира тариқасида (Мирзо “муқобаласи” дейдилар) қатор асарлар ёзгани, улар орасида “Лайли ва Мажнун” дostonи машҳуррок бўлгани ҳақда хабар топамиз. Бу маълумотлар сўнгида “Агарчи латофати шуҳратича йўқтур”, деган латиф таъриф келади. Яъни, ўша шоирнинг энг машҳур асари ҳам шуҳрати қадар муқамал, нафис, гўзал эмас.

Балки, бу таъриф Абдулло Маснавийгўйнинг ўзи борасидадир. Донғи кетишга кетган-у, лекин маҳорат масаласи “ҳалигидай” қаламкашлар ҳамма замонларда ҳам бисёр топилади.

Қосимбек Солиҳ борасида: “Ҳейли мутояба қилур эди. Ҳуштаъбона зарофатлар қилур эди”.

Муҳаммад Солиҳ ҳақида: “Чошнилик ғазаллари бор, агарчи ҳамворлиғи чошнича йўқтур”.

“Чошнилик” дегани лаззатлик, мазалик деган маънони, “ҳамвор” эса равонлик, уйғунликни билдиради.

Яна... “Шайбонийхоннинг отиға бир туркий маснавий битибтур, “Рамали муҳаббати маҳбун” вазнидаким, “Субҳа” вазни бўлғай”, бисёр суст ва фурудтур, ани ўқиғон киши Муҳаммад Солиҳнинг шеърдан безътибор бўлур”.

Бугунда “суст” сўзининг фақат “секин”, “имиллаб” деган маънолари қолгандир. Мирзо битган жумлада эса бу сўз “бўш”, “хом” деган мазмунни ифода этади, “Фуруд”нинг маъноси эса тубан, пастдир.

Амир Нўёнбек хусусида Бобурнинг сеҳркор қалами “лаванд ва ҳушбош ва шаробхўр айёш киши” деган таърифлар битилади. Қисқа бир жумлада муносабатларимиз узишган учта сўз, учта сифатни топамиз.

“Лаванд”нинг маъноси кўп. Сарбоз, аскар, сипоҳини ҳам шу сўз билан атаганлар, чапани, ёвқур, довжорак кишини ҳам. Шогирдни, хизматкор, шаробхўр одамни ҳам.

Амир Нўёнга нисбатан “лаванд” сифатини ишлатар экан, Мирзо унинг маишатпараст, сўзамол, шўх-шалайим киши эканлигини



назарда тутгани ҳақиқатга яқин. Жумладаги “хушбош” (қувноқ, ҳазилкаш) ҳамда “айёш” (ишратпараст) сифатлари ҳам бу фикри-мизни тасдиқлайди.

5

Алқисса, бутунги ёзма адабиёт ва ўзаро муомаладан замонлар ўтиши билан сурилиб, унутилиб қолган, ўзимизники бўла туриб, ўғай, етти ёт бегона ўрнида кўрилган, сўзлар, бирикмалар Бобур хазратларининг, мумтоз адабиётимиз вакили бўлмиш бошқа улўғларимизнинг асарларида ҳар саҳифа, ҳар жумлада учрайди.

Замон, тараккиёт туфайли пайдо бўлаётган, атрофимизни ўраб турган оламдан ҳар восита ёрдамида кириб келаётган сўзлар хужумидан тилимизни асраш учун ҳам аввал ўз хазинамизнинг чин соҳиби бўлмоғимиз зарур.

Биз бойлигини ҳис этмайдиган, бойлигидан фойдалана билмайдиган бойлармиз. Бойлигидан фойдалана биладиган, унинг кадрига етмайдиган одам ўз мулкига ҳар нарса бўлсин саралаб кўшади, хазинасидаги гавҳарни ундан паст нарсага алмаштирмайди.

Мумтоз адабиётимизни ўқинг, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Нодира, Огаҳий, Қодирий, Чўлпонни ўқиш кундалик одаднингизга айлансин. Мирзо Бобурни мутолаа қилинг...

“Кешнинг қобиляти шаҳар бўлмокқа Самарқандча эмас эди...”

“Кичикликдин бери Хитой сариға ҳавасим бор эди...”

“Самарқанд аҳли... бу навъ зулум ва фисқдин бажону дил озурда ва ранжида бўлдилар...”

“Ўшал ҳолда бу отликлар боғнинг эшигини топарга фурсат қилмай, деворниким, эски бўлгон сридин раҳна қилиб кирдилар...”

“Сўзни бунга қарор берилдиким...”

“... Қовғунчини йирок йиборғали маслаҳат кўрмадилар...”

“Неким азалда Тенгри тақдир қилибтур, ондин ўзга бўлмас”.

Бу хил бир-биридан афзал ҳуснилик, нафис, рангин сўзларни, жумлалар, таърифларни ўқир экансан, буюгимиз Бобур Мирзони ўқиш, тушуна олиш ҳақиқатан ҳам бахт эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиласан.



“Бобур характерининг мислсиз белгиси унинг бошка хукмдорларникига мос келмаслигидадир. Бу табиат Осиё тождорларига хос маҳобат... сунъийликдан фаркли ўларок табиийдир, самимий, ҳаётни севган инсоннинг табиатидир... Биз Осиё хукмдорлари орасида Бобур сингари истеъдодли ва буюк кишиларни камдан-кам учратамиз. Заковатининг жўшқин фаолияти, хушчақчақлиги, бевафо тақдирнинг барча найрангларига қарамай руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида кам учрайдиган сахийлиги, мардлиги, истеъдоди, фанга, санъатга муҳаббаги, мазкур соҳалар билан муваффақиятли шуғулланиши каби жиҳатларни эътиборга олганда, осиелик салтанат соҳиблари орасида Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳ тополмаймиз”.

У. Эрскин, англиз олими

БИЗГА ФАҚАТ ҒАЛАБА КЕРАК

Давлат била шоду шодмон бўлғайсен,
Бевосита манзури илоҳий сенсен!
Сен борсен, кимга элтай, шоҳи паноҳ,
Чун борча жаҳон эли паноҳи сенсен!

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

1

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ўз суҳбатларида бирида шундай деган эди: “Бугун кутубхоналаримиз хазинаси да сакланаётган минглаб кўлэзма, уларда мужассамлашган та рих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математи ка, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка ои, асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримизди Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Ота боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари диний, ахлоқий, илмий карашларини ўзида мужассам этган бу не дир кўлэзмаларни жиддий ўрганиш даври келди.”

“Бобурнома” каби маънавият сарчашмаси бор миллат ҳам тап наком бўлиб қолиши, маънавияти хаста, тили нўнок, гапи чал бўлиб туриши уят.

Рисоламиз аввалида ҳозирги даврни “Буёқ имкониятлар даври деб аташимизнинг боиси ҳам шундадир.

Камина бир муддат Тошкент Ислоҳ университети нашриёти ишлаганман. У ерда ўқиган йигит-қизлар орасида дўстларим бо улар бугунги кунда дорулфунунни битириб турли вазифаларда хи мат қилмоқдалар... Болалигимдан шарқшунослик илмига, хазин ларимизда мавжуд китобларни ўрганишга рағбат билан яшагани учун менинг ёш дўстларимга ҳавасим келади. Улар таҳсил давом да арабий имлони мукамал ўргандилар, араб, форс, турк ҳам, гарб тилларидан бирини ўзлаштирдилар. Қадимий кўлэзмалари ўқишнинг ҳадисини олдилар. Шунинг учун юртбошимиз айтган в зифаларни бажариш уларнинг кўлидан келадиган иш...



Зебуннисо “Хидоят” журналида, Комилжон ва Нигора “Ислом нури” газетасида, Нуъмонжон “Мовароуннахр” нашриётида ишлаб туришибди. Нуъмонжон, шунингдек, “Ирфон” деб аталган диний-маърифий таквимнинг ташкилотчиси, бош мухаррири ҳамдир. У ҳақда гап кетганда, укамизнинг Имом Бухорий ҳазратлари қаламига мансуб “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб ҳақида ягона китоб”) асарни араб тилидан ўзбекчага ўгириб, устозлари кўмаги билан нашр этганини таъкидламай бўлмайди.

Нигорахон дўстимиз, юкорида мазкур бўлган нашрларнинг фаол, қалами ширин муаллифидир.

Мен бу ёшларнинг қандай ижтиҳод, жиддийлик ва ҳавас билан илм ўрганганлари шоҳидиман.

Кўриб турибсизки, камина суҳбатдошингиз ёшлар тўғрисида сўз борар экан, таъна-маломат ёғдираверадиган, улардан “йилт” этган фазилатни топмай таассуф чекадиганлар кавмидан эмасман. Атрофимизда Зебуннисо ва Нигорага, Нуъмонжон ва Комилжонга ўхшаган йигит-қизлар кам эмас. Агар вақт имкон берганида улар ҳақда соатлаб сўзлаган бўлар эдим. Дарвоқе, шундай ёшлардан кўпчилигини ўзингиз ҳам танийсиз.

Рисоламиз саҳифаларида келган эътирозлар, мулоҳазаларнинг эса уларга сабаб бўлган камчиликлар албатта бартараф этилар деган яхши ният билан айтдик. Ватан ва халқимиз умид боғлаган, тақдирини, келажагини ишониб топширган йигит-қизлар қанча кўп бўлса шунча яхши, ҳамма фарзандларимиз шундай бўлсинлар, бироқ сафимиздан бирор кишини, худо ноҳоста, бой бермайлик. Бирорга ёш йўлдан адашмасин, ёки чаласавод, оми бўлиб қолмасин, маънавият, маърифат, маданиятга бефарқ – худбин, бағритош, тўнкафеъл бўлмасин!

Йўқотганимиз етар, бундан буён бирор кишини йўқотишга ҳақимиз йўқ.

2

Устоз Абдуқаҳҳор Иброҳимов Туркистонни кейинги икки аср давомида жаҳон тараққиётдан орқада қолиб кетиши ҳақида ёзар



экан, депсинишнинг сабабларини батафсил таҳлил қиладилар. Мана улардан баъзилари:

1. Сўнгги икки аср давомида халкимиз орасидан Амир Темур ёки Абдуллахон II даражасидаги Туркистонни бирлаштириб турадиган йўлбошчи, етук тарихий шахс чикмади.

2. Маҳаллийчилик. Туркистон уч хонликка бўлиниб кетгандан кейин ҳам бу хонликлар орасидаги ўзаро нифоклар, бир-бирига энг мушкул дамларда ҳам ёрдамга келмаслик. Бунинг оқибатида Аму-дарёнинг нариги қирғоғидаги худудларимиз бировлар қўлига ўтиб кетди. Орадан бир аср ўтгач эса заминимиз Чор Россияси томонидан истило қилинди.

3. Таълим тизимида дунёвий фанларга нисбатан диний таълимнинг салмоғи кўпроқ бўлгани. Дунёвий фанлар билан ўзимизда кам шуғулланилди. Илму-фан, техниканинг чет эллардаги ютуқларини олиб киришга ҳам бепарволик, ҳатто, монёклик қилинди.

Абдқаҳҳор ака шундан кейин ҳам бир қатор жуғрофий-сиёсий сабабларни келтиради.

Минг раҳмат, ҳаммаси тўғри гаплар.

“Толиблар” ҳаракати тарихи ва моҳиятига бағишланган китоби мизда биз ҳам таназзулнинг айрим сабабларига тўхталган эдик: Би томондан салтанат эгаларининг ҳамма маблағни ҳашаматга, дабдабага сарфлайверишлари, иккинчи томондан пайдо бўлган ҳар янгиликка, техниканинг ҳар ютуғига шайтоннинг аъмоли деб қараган мутаассибларнинг қалтабинлик билан қўйган таъқиқлари туфайли қанчадан-қанча донишманднинг, олимнинг ҳаракатлари зое кетди уларнинг умри нодонларнинг орасида ҳайф ўтди. Билим масканларида дунёвий билимларга кам эътибор бериладиган бўлди. Би маҳаллар жаҳонни ўтказиб қўйиб, илми нужумдан, фалакиёт, риёзиёт, ҳандаса, кимё, тиб қонушларидан сабоқ берган Шарқ вақт етилим борасида, замонавий технологиялар борасида сурилиб қолди.

Агар шундай бўлмаганда, бизнинг табиий бойликларимизни кимдир келиб ўрганиб қазиб олмас, бир қисмини қопига солиб кетмас эди, эскирган техникани олиб келиб, заводларга ўрнатмас, биз арзонга ишлатиб мўмай даромад топмас эди. Қўшин тортиб келиб мустамлақа қилиб олмас эди... Маданиятга чўчиб, таъқиқлар назари билан қарашлар бўлмаганда бугун фарзандларимизнинг ақли



хушини Ғарб маданияти банд қила олмас эди. Ана шу маданиятнинг яйраб тарқалишида ҳам ўша технологиялар қанчалик зарур экан!

Алқисса, эндиги гап, шарт шуки, жаҳонга устозлик қилган буюқларнинг авлоди бўлган Сизу-бизга бундан буён бирор соҳада орқада қолиш, бирор мусобақа, баҳс, курашда ютқазмиш, енгилмиш мумкин эмас, биз енгилмиш бўлдик, биз энди галаба қилишимиз керак.

Ўзимиздаги, чет эллардаги кутубхоналар, турли жамғармаларда қатланиб, чанг босиб ётган минг-минглаб қўлёзмалар Сизнинг қадамингизга, Сизнинг эътиборингизга мунтазир. Халқимизнинг минг йиллик дарди, ҳасрати, мунаввар умидларини ўзида мужассам қила олган мақомлар, мумтоз ашулалар кўнглингизга йўл топа олмай кутиб турибди.

Бу бизнинг маданиятимиз. Бизнинг маънавиятимиз, адабиётимиз, санъатимиз. Уларнинг бундан буёнги тақдири, тараққиёти учун Сиз масъулдирсиз. Бу жуда-жуда жиддий масъулиятдир.

Сизнинг айнан шу замонда туғилишингиз, яшаётганингиз бежиз эмас, тасодифий эмас. Парвардигори олам бу замонда Сизу бизга замоналарнинг ҳавасини келтирадиган, асрларга титиғулик, анча-анча миллиятлар қон тўкиб, жон тикиб ета олмаётган галабани ато этди – Миллий истиқлол билан суюнтурди. Кейинги галаба, кейинги мунаввар доvon озод, иқтисоди бақувват Ўзбекистондир, халқимиз орзу қилган, ўз олдига мақсад қилиб қўйган буюк келажакдир.

Ушбу галаба учун масъул Сиздирсиз, у Сизнинг курашингиз, Сизнинг фидойчилигингиз ва муҳаббатингиз билан қозонилади.

Ўзингизнинг бир қисмингизни эртага олиб қўймай, бугуннинг ҳар лаҳзасини тўлақонли яшанг, Ҳақ билан, Ҳақ учун яшанг. Худо хоҳласа, эртанги кунга ҳам етиб ортасиз.

Дори хасталикдан аввал яратилган, эҳтиёждан бурун ҳосил қилиб қўйилган, уни топмоқ керак ҳолос.

Бунинг учун ҳаргиз ва ҳаргиз улуғларимизга яқин бўлинг, уларнинг суҳбатларидан қолманг. Атоий, Лутфий, Навоий, Бобур ва бошқа азиқларнинг китобиинг муқоваси даҳолар ўтирган хонанинг дарвозасидир, бу дарвозани ҳар кун очиб киринг ичкарига.

Негаки, самоват жисмлари ҳам қуёшга яқин бўлганлари сари тезроқ айланадилар.

1000e

*Масъул муҳаррир: профессор
Муҳаррирлар*

Саҳифаловчи ва дизайнер

Ҳамидулла Болтабоев
Алижон Азизов,
Нодира Абдуллаева
Равшан Маликов

Босишга рухсат этилди 17.09.09. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 4,75. Нашр босма табағи 7,5.
Адади 1000. Буюртма № 128.

«Extremum press» нашриёти
«Gredo Print» к/қда чоп этилди.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.